O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

MUQIMIY NOMIDAGI

QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

**5141800- "Defektologiya" ta'lim**

**yo'nalishi 4 bosqich talabasi**

**Yo'ldasheva Nafisaning**

**"Alalik bolalar nutqining o'ziga xos hususiyatlari"**

**mavzusidagi**

# BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**Ilmiy rahbar:** **F.Teshaboeva**

Qo'qon-2013y

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI**
**MUQIMIY NOMIDAGI QO'QO'N DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**
**Bitiruv malakaviy ishning bajarilish darajasiga berilgan**

# T A V S I Y A N O M A

**Pedagogika fakulteti "Defektologiya" kafedrasi**
**defektologiya ta'lim yo'nalishi** IV-A **guruh talabasi**

Yōldosheva Nafizaning **ning**

"Alalik bolalar nutqining ōziga xos xususiyatlari"

**mavzusidagi bitiruv malakaviy ishi**

**Ish rahbari:** F. Teshaboyeva - ōqituvchi
(ismi va familiyasi,unvoni)

## Ish rahbarining xulosasi

Ish reja asosida, ilmiy-uslubiy yō-nalishlarga binoat mazmunli tarzda yozilgan. Ishning hajmi, mantiqiy qurilishi talabga javob beradi. Ishni himoyaga tavsiya etaman.

(imzo, muddati)

## Kafedra mudirining xulosasi

ish reja asosida ilmiy-uslubiy yondashgan holda boblar tōliq yoritilgan. Ishni himoyaga qōyish mumkin

(imzo, muddati)

## Taqrizchining xulosasi

Ish reja asosida, ilmiy-uslubiy yōnalishda mazmunli tarzda yozilgan. Ishni himoyaga tavsiya etish maqsadga muofiq.

(imzo, muddati)

## Himoyaga qo'yish haqida xulosa

Ilmiy rahbar xulosasi va kafedra mudirining tavsiyasiga kōra himoyaga ruxsat etildi.

(fakultet dekanining imzosi,muddati)

**Muqimiy nomidagi Qo'qo'n davlat pedagogika instituti**
**"Defektologiya" ta'lim yo'nalishi** IV-1 **guruh talabasi**
Nafisa Yoldosheva ning bitiruv malakaviy ishi

# HAQIDA

1. Bitiruv malakaviy ishning mavzusi Alalik bolalar nutqining o'ziga xos xususiyatlari.

2.Bitiruv malakaviy ishning tavsifi Ish kirish, 2 bob, umumiy xulosa

a) muammoning qoyilishi (dolzarbligi) va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan iborat. Alalik bolalar nutqini o'ziga xos xususiyatlari nisbatan kam o'rganilgan hali ko'p izlanishlar talab etadigan nutq nuqsoni sanaladi. Shu jihatdan mavzu dolzarb sanaladi.

b) nazariy va amaliy asoslanganligi Ishning birinchi bobida asosan alaliya nutq nuqsonini o'rganilish tarixiga alalik bolalar nutqining tekshirish metodlariga to'xtalgan va buni yoritishda ilmiy metodik adabiyotlardan foydalangan.

v) mazmuni Ishda talaba Qo'qon shahar 39-sonli nutq bog'chasida tarbiyalanayotgan alalik bolalar bilan olib borilgan kuzatish va ilmiy tadqiqot ishlarini yoritgan va tahlil natijalari jadvallarda o'z ifodasini topgan. Ishning muhim o'rinlari slaydlarda aks etgan.

g) yozilish uslubi Ish reja asosida, ilmiy-uslubiy, pedagogik-defektologik yo'nalishlarda mazmunli holda yozilgan.

d) tajriba ishlari natijalarining yoritilishi Ishda olib borilgan kuzatishlar, tajriba ishlari tahlil qilingan holda jadvallarda aks ettirilgan.

e) ishdagi kamchiliklar Ishda ba'zi imloviy xatolarga yo'l qo'yilgan.

j) himoyaga tavsiya Yuqoridagilarga asoslangan holda ishni himoyaga tavsiya etaman.

Ilmiy rahbar F. Teshaboyeva / F. [signature] /

Sana ______________________20 yil

**Muqimiy nomidagi Qo'qon Davlat Pedagogika Instituti**
**«Defektologiya» ta'lim yo'nalishi**

IV-A guruhi talabasi

Yo'ldasheva Nafisa ning bitiruv malakaviy ishiga

# T A Q R I Z

1. Bitiruv malakaviy ishning mavzusi Alalik bolalar nutqining o'ziga xos hususiyatlari.

2. Bitiruv malakaviy ishning tavsifi Ish kirish, 2-bob, umumiy xulosa va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxatidan iborat.

a) muammoning qoyilishi (dolzarbligi) Alalik bolalar nutqini o'ziga xos hususiyatlari nisbatan kam o'rganilgan hali ko'p izlanishlar talab etadigan nutq nuqsoni sanaladi. Shu jihatdan mavzu dolzarb sanaladi.

b) nazariy va amaliy asoslanganligi Ishning kirish bobida asosan alaliya nutq nuqsonini o'rganish tarixiga alalik bolalar nutqining tekshirish metodlariga to'xtalgan va bularni yoritishda ilmiy metodik adabiyotlardan foydalangan.

s) mazmuni Ishda talaba Qo'qon shahar 39-sonli nutq bog'chasida tarbiyalanayotgan alalik bolalar bilan olib borilgan kuzatish va ilmiy tadqiqot ishlarini yoritgan va tahlil natijalari jadvallarda o'z ifodasini topgan. Ishning muhim o'rinlari slaydlarda aks etgan.

d) yozilish uslubi Ish reja asosida olib borilgan. kuzatishlar, tajriba ishlari tahlil qilingan holda jadvallarda, pedagogik-defektologik yo'nalishlarda mazmunli holda yozilgan.

e) tajriba ishlari natijalarining yoritilishi Ishda olib borilgan kuzatishlar, tajriba ishlari tahlil qilingan holda jadvallarda aks ettirilgan.

f) ishdagi kamchiliklar Ishda ba'zi imloviy xatolarga yo'l qo'yilgan.

Yuqoridagilarga asoslangan holda ishni himoyaga tavsiya etaman.

Taqrizchi: Yo'ldasheva D. [signature]

Sana: ____________________ 20 yil

Q.D.P.I defektologiya ta'lim
yõnalishi bitiruvchi bosqich
talabasi Yõldosheva Nafisaning
„Alalik bolalar nutqining õziga
xos xususiyatlari" mavzusidagi
bitiruv malakaviy ishiga

Taqriz.

Bitiruv malakaviy ishning mavzusi õzining dolzarbligi bilan muhim hisoblanadi. Chunki hozirgi kunda alalik nutq nuqsonlarini õrganish va ularni bartaraf etish dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Mazkur ishda ana shu muammoning yechilishi xususida fikr-mulohazalar yoritiladi. Ishning birinchi bobida muammoning õrganilishi holati, alalik nutq kamchiliklarining õrganilish tarixi yoritiladi.
Ishning ikkinchi bobida alalik nutq kamchiliklarini bartaraf etishda logopedning ish mazmuniga tõxtaladi.

Ish mazmunli, ilmiy-uslubiy yõnalishda yozilgan, unda bir qator tavsiyalar, yõnalishlar ham berilgan.

Muassasa rahbari. [signature] Kamolova. X.

Режа:

Кириш.
I боб. Муаммони ўрганилиш холати.
I.1. Алалия нутқ нуқсонининг ўрганилиш тарихи
I.2. Алалия нутқ нуқсонининг текшириш методи.
II. боб. Алалик болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари.
II.1. Эксперимент текшириш натижалари.
II.1.1. Алалик болаларнинг умумий ва нутқий анамнезини ўрганиш натижалари.
II.1.2. Импрессив нутқ
II.1.3. Луғат бойлигини текшириш натижалари.
II.2. Алалик болалар нутқини ривожлантириш йўллари.
III боб. Хулоса
Фойдаланилган адабиётлар.

# Кириш

Мамлакатимиз мустақиллиги равнақ топиб, барча соҳаларда юксак ишлар амалга оширилиб келинаётган шу кунларда маориф соҳасида ҳам таълимни ислоҳ қилиш борасида самарали натижаларга эришилмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек: „Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умуман башарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва маънавий етуклигига боғлиқдир."[1] Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш бўйича кенг кўламли амалга оширилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2012 йил „Мустаҳкам оила йили", 2013йил „Обод турмуш йили" деб эълон қилинганлиги замирида ҳам келажак авлод фаровон, соғлом, етарлича моддий таъминланган бўлишини назарда тутилади.

---

1 И.А. Каримов. Баркамол авлод орзуси. „Шарқ" нашриёти. Т – 1999й (98-бет).

Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва „Кадрлар тайёрлаш" миллий дастури талаблари асосида ёшларни комил инсон, баркамол шахс қилиб тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичларида юксак маънавиятли малакали мутахассис педагогик муаммо сифатида ўрганилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлиги янги сифат даражасига кўтариш масаласида мактабгача таълим тўғрисида гап кетар экан, аввало бор, унинг ҳуқуқий меъёрий базасини такомиллаштириш расмий ҳужжатларга мурожаат қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сонли „Мактабгача таълим соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан мактабгача таълим низоми жорий этилди. Жумладан, ушбу Низомга биноан мактабгача таълим муассасалари мустақил юридик шахс сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республика касб таълими

вазирлиги ҳайъат мажлисининг 2009 йил 28 сентябрдаги 10/4 – ҲҚ-сонли қарори билан тасдиқланган „Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари" ва „Мактабгача таълим Концепцияси"да таълим жараёни ва унинг самарасига доир меъёр ва мезонлари ишлаб чиқилди.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва „Кадрлар тайёрлаш" миллий дастурига мос равишда яратилди. Янги ишланган давлат талабларига аниқ ёшдаги боланинг ривожланишини ва ютуқларини баҳолаш даражали мезонларини, индикаторларини аниқлаб берди.

Мазкур ҳужжатларнинг ўзига хослиги биринчи навбатда оналарга фарзандларини тўлақонли тарбиялашларида, болага таълим бериш ва ривожлантиришларида, мактабга тайёрлашда ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, бу ота-оналарнинг оиладаги тарбияга жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Ушбу ҳужжатлар ёрдамида узлуксиз

таълимнинг биринчи босқичи бўлган таълимнинг баҳолаш имконияти пайдо бўлади, натижада бутун таълим тизимининг яхлитлиги ва узлуксизлиги, унинг мазмунан ягоналиги таъминланади.

„Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари" бола шахси ривожланишининг ~~нет~~ тўртта тури асос қилиб олинган: жисмоний, ижтимоий-ҳиссий, нутқ ҳамда ўқиш ва ёзишга тайёрлашдан иборат бўлиб, уйғунликда бола ривожланишининг яхлитлигини таъмин этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сонли „Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги қарорининг қабул қилинишида мактабгача махсус таълим муассасаларининг фаолиятини янада такомиллаштиришда, дефектологларнинг (логопед, сурдопедагог, тифлопедагог, олигофренопедагог) ишини тизими ва самарали олиб борилишида муҳим расмий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

[Маълумки, бола нутқининг ижтимоий ва

билангина олимлар асосида эгаллайди ва ана шу аломатларнинг бирининг бузилиши ёки ривожланмай қолиши нутқ бузилишларига олиб келади.
Нутқ бузилишлари боланинг психик ривожланишига, таълим олишига, ижтимоий мослашувига салбий таъсир кўрсатади.
Оғир нутқ бузилишлари боланинг ривожланишини чегаралаб қўяди.
Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача ёшдаги болаларнинг сонини тизимли тарзда ошиб боришини назарда тутган ҳолда уларда лексик-грамматик воситаларни ривожлантириш замонавий логопедия соҳасида муҳим ўрин тутади, уни коррекциялаш ва ривожлантириш методикаси юзасидаги муаммо эса энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар ўртасида алалик болалар кўп учрайди ва алалия оғир нутқ нуқсонларидан бири саналади.
Алалия нутқнинг йўқлиги ёки боланинг она қорнидаги ёки дастлабки ривожланиш босқичида нутқ шаклланишига қадар бош мия қобиғи нутқ доирасининг органик шикастла-

нинг узлуксиз ривожланмай қолишла-
дир. Аммо болаларда периферик жиҳа-
ти ва артикуляцион аппаратнинг
сақланган ҳолда кузатилади. Бундай
аномалиялар уларда нутқ ривожла-
ниши учун асосий имкониятлар-
нинг мавжудлигидан далолатдир.
Нутқ бузилишининг пайдо бўлиш са-
бablари марказий нерв системасининг
фақат жароҳатланиши билан боғ-
лангандир.
Уларга қуйидагилар киради: бош
миянинг жароҳатланиши, туғруқ-
нинг оғир кечиши, тез туғиш оқиба-
тида мияга қон қуйилиши, бола-
нинг она қорнида ривожланиш бос-
қичида, туғиш вақтида, шунингдек
боланинг бир ёшгача бўлган дастлаб-
ки ривожланиш босқичида моддалар
алмашинувининг бузилиши. Бундан
ташқари оғир рахит касаллиги, нафас
йўлларининг касалланиши, ҳаёти-
нинг дастлабки ойларида уйқуси ва
овқатланишининг бузилиши боши-
дан кечирган болаларда ҳам ала-
лия пайдо бўлиши мумкин.
Бош мия катта ярим шаридаги нутқ
доираларининг бузилишига қараб
алалиянинг икки тури: мотор
алалия ва сенсор алалия вужудга

келади. Мотор алалия марказий қисмлардаги органик бузилишлар натижаси ҳисобланади. Бундай носоғлом неврологик кўриниш нутқнинг ривожланишини борасида жиддий орқада бўлиш билан қўшилган ҳолда нутқ фаолиятининг сустлигига, нутқ нуқсонларининг кенг тарқалишига, руҳий ва интеллектуал ривожланишда аста-секин орқада қолишга олиб келади. Ҳозирги кунда мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар нутқ нуқсонларини эрта аниқлаш ва коррекциялаш бўйича маълум ютуқларга эришилди. Шунга қарамай махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, алалияни бартараф этиш муаммоси кўп изланишлар талаб этади. Шунинг учун мазкур муаммони ўрганиш ҳозирги кунда, айниқса долзарб.

Шундан келиб чиқиб кичик илмий изланишларимиз мавзусини „Алалияли болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари" деб номладик.

Тадқиқот мақсади – алалия бўйича мавжуд бўлган адабиётларни ўрганиш ва алалия болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар методикасини тузиш.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун қўйи-

дан вазифаларни белгилаб олдик:

— муаммо бўйича мавжуд адабиётларни назарий таҳлил этиш ва амалий ҳолатни ўрганиш;

— аномал болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишлар методикасини тузиш;

— эксперимент натижаларини таҳлил қилиш ва таққослаш;

— аниқланган нутқ нуқсонларини бартараф этиш борасида изланишлар олиб бориш.

Тадқиқот объекти сифатида Қўқон шаҳридаги 39-сонли нутқ боғчасида тарбияланаётган аномал болалар олинди.

Тадқиқотнинг методологик асослари — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг халқ таълими, таълим-тарбия ҳақидаги буйруқ ва қарорлари, „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва истиқлол ва маънавият ҳақидаги ғоялари, жамиятимизнинг маънавий равнақини таъминлаштиришга хизмат қилувчи давлат хужжатларига асосланди.

Тадқиқот методлари — тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ қуйидаги методлардан фойдаланилди;

-тадқиқот мавзусига оид педагогик, психологик ва методик адабиётларни назарий таҳлил этиш.

Битирув малакавий иши кириш қисми, 2та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Алалия. – бош мия қобиғидаги нутқ зоналарининг боланинг она қорнида-ги ёки илк ривожланиш даврида органик шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожлан-май қолиши. Нутқнинг энг мураккаб нуқсонларидан бири, бунда нутқий ба-ёнининг пайдо бўлиши ва уни қабул қи-лишининг барча босқичларидаги танлаш ва режалаштириш операциялари бу-зилган бўлади. Унинг натижасида бола-нинг нутқий фаолияти ривожланмай қолади. Тил воситалари тизими (фоне-тик, грамматик, лексик) шаклланмай-ди, нутқ пайдо бўлишининг ҳаракат-қўз-ғатувчанлик даражаси хасталанади. Қўпол семантик нуқсонлар кузатилади. Нутқ ҳаракатларини бошқариш бузи-лади, бу товуш чиқариш ва сўзнинг бўғин таркибига ўз таъсирини кўрсатади. Қандай нутқ механизмлари шакллан-маганлиги ва уларнинг қайси босқич-лари (даражалари) кўпроқ хасталан-ганига боғлиқ равишда алалиянинг бир неча турлари учрайди.
„Алалия" атамаси (грекча а – йўқ, ло-тинча labio – нутқ) таржимаси нутқ-нинг йўқлиги, нутқсизлик ҳолати – нутқ бузилишига доир адабиётларда

қадим замонлардан бери кузатила-
ди. Махсус адабиётларда „алалия"
атамасидан ташқари, шу нутқ нуқ-
сонини англатувчи қуйидаги атама-
лардан фойдаланганлар: „Туғма афа-
зия", „Онтогенетик афазия", „Ривожланиш
афазияси", „Дисфазия", „Нутқий ривож-
ланишнинг сусайиши", „Нутқнинг консти-
туционал фазада камлиги", „Тилни
эгаллашдаги камчиликлар" ва ҳ.к.).
Алалиянинг тарқалганлиги ҳақида
илмий асосланган маълумотлар йўқ.
Маълумотларга кўра, алалия мак-
табгача ёшдаги болаларнинг бир
фоизи, мактаб ёшидаги болаларнинг
0,6-0,2% ташкил этади. Ўртача ҳисоб-
да, алалия аҳолининг 0,1 фоизида
кузатилади. Муаллифларнинг таъкид-
лашича, алалия ўғил болаларда
қизларга нисбатан 2 марта кўп учрай-
ди.

Н. Куссмаул (1877) таъкидлашича, олдин-
ги аср ёки бизнинг асримизнинг бош-
ларига мансуб, фаолият кўрсатган
шифокорларнинг аксарияти нутқнинг
йўқлигининг барча шаклларини ала-
лия деб номлаб, афонияни ҳам бу
атамани ичига киритганлар, яъни

вақт ўтиши билан бу атамалар фарқла-
на бошланди. И. Франк биринчилардан
бўлиб, бу икки атамани фарқлашга
уринади. Унинг фикрига, алалия „кар-
соқовлик" сингари артикуляция харака-
тини ушлаш имкониятсизлиги бў-
либ, И. Франк алалияни артикуля-
цияни кейинлашувчи натижасида
келиб чиқувчи талаффуз камчилиги
мослашиш билан таққослайди.
И. Франк алалия, қаерда мосла-
шувни дислалия даражаларидан
бири деб, артикулятор кейинчиликлар
билан боғлиқ талаффуз камчилиги
деб таъкидлайди.
1830-йили Р. Шултесс алалияни кар-
соқовлик ажойида кўп нуқсони сифа-
тида ажратиб кўрсатади, аммо И. Франк
уни артикуляция бузилишлари би-
лан боғлайди.
Артикуляция имкониятининг бутун-
лай йўқлиги сифатида алалия дис-
лалияга таққосланди ва кейинчалик
ҳаққоний равишда анартрия деб номла-
лана бошланди.
А. Куссмаул артикуляция камчилик-
ларини (дизартрия ва дислалия, шунинг-
дек, дикцияни бузилиши - дисфазия)
умумий ном билан аташ мақсадида

"лалопатия" атамасини киритади. Шунга қарамасдан, А. Куссмауль юқоридаги муаллифлар сингари алалияни артикуляция бузилишлари билан боғлиқ нутқ камчиликлари сирасига киритади ва бу атаманинг тенг маънодош номи деб анартрия литераlis (товушлар артикуляциясининг бузилиши) атамасини киритади.

Бу ҳолда А. Куссмауль аниқ товушларни бутунлай талаффуз қила олмаслик характерли ҳисобланган бузилиш ҳолатларини атамага киритган; кейинчалик бундай ҳолатни белгилаш учун "анартрия" терминидан фойдаланила бошланган. Номлари келтирилган артикулятор бузилишлар билан бир қаторда А. Куссмауль дикция бузилишлари деб номланган камчиликларни ажратади.

Буларга у грамматик шакллар ва синтактик ифодаларнинг бузилишини киритади. Бундай бузилишларни тадқиқотчи "дисфразиялар" деб номлади.

Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб Труссо нутқнинг йўқотилишини Брока томонидан киритилган "афемия" атамасида алмаштиришни таклиф этади.

„Афазия" атамаси тиббиётда ўзига хос ўрин эгаллади. Айрим чет эл муаллифлари (Ортон, Травис) „алалия" ва „афазия" атамаларини бирлаштириб умумий атамалар „болалар афазияси" ёки „Ривожланиш афазияси" деб аташни таклиф этдилар. Бунда муаллифлар болалар нутқ ривожланмаганлигининг ўзига хослигини катталарда нутқнинг йўқолиши ҳолларидан фарқлаб кўрсатиб бердилар.

Фониатр Р. Коэн (1888) ишларида „алалия" терминини артикуляцион камчиликлар билан шартланмаган сўзловликнинг ўрнига эшитувчи-сўзловлик ёки идиопатик алалия (кечиб тилнинг ҳовлиқиши, ҳақиқ нутқсизлик) деб номлабди.

Турли муаллифларнинг кейинги ишларида, „алалия" ва „афазия" атамалари кескин фарқланди:

алалия – нутқнинг ривожланмай қолиши, афазия – нутқнинг йўқолиши.

50-60-йилларда бундай чегараланиш тасдиқланди ва ҳозирги вақтда кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тан олингандир ва терминологик чалкашлик сероб бўлса ҳам, баъзида ўз ўрнига ҳам эгадир.

Алалияни ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлар, булар Гутман (1894), А. Либманн (1900), М. В Богданов-Березовский (1909), Э. Фрешельс (1931), кейингилик эса М. Ю. Хватсов, Н.Н. Траугот, В. К. Орфинская, Р. Ю. Левина, Л. В. Мелекова, Т.В. Матсевская, Ю.Ф. Соботович, В. А. Ковшиков, С.Н. Шаховская, В. К. Воробева ва бошқалар.

Турли муаллифлар шунда мезонларни бўлиш асосида алалияда нутқ ривожланиши ва нуқсон тузилиши хусусиятлари ажратиб кўрсатилган: физиологик, клиник, психологик, лингвистик, психолингвистик ва бошқалар.

Алалиянинг турли шакллари тарифланган, нутқ ривожланмаганлигининг турли шаклларида логопедик таъсир методикаси ишлаб чиқилган.

Сўнгги даврда алалияни ўрганишдаги муваффақиятлар тадқиқотчиларнинг ўз фаолиятларида „нуқсон тахлилига ҳар томонлама синдромли ёндашув методологияси“ сига кўпроқ таянганликлари сабабли эришилган. Бунда ўрганишнинг психолингвистик аспекти биринчилардан ҳисобланади ва бу Ю.Ф.

Соботович, В.А. Ковшиков, Б.М. Гриншпун ва бошқа тадқиқотчилар ишларида ифодаланган. Айни вақтда алалияни ўрганишнинг барча масалалари ҳали тўла очиб берилмаган. Бироқ В.К. Орфинскаянинг сўзлари бўйича, ўтган даврлардан фарқли равишда, алалия тадқиқотчилари орасида умумқабул қилинган қоидаларга қараганда мунозарали масалалар ва зиддиятлар кўпроқ бўлганлиги, логопедия ривожланишининг замонавий босқичларида тадқиқотчилар орасида алалияга умумий қарашлар кўпроқ мавжуд, келишмовчиликларга қараганда умумий нуқтаи назарлар кўпроқ.

Алалия сабаблари.

Алалияни ўрганишнинг узоқ вақт мобайнида унинг келиб чиқиш сабабларини турлича кўрсатганлар. Р. Коэн (1888), А. Густман (1924), Э. Фрешелс (1937), М. Зееман (1962) ва бошқаларнинг фикрича, алалия боланинг она қорнида ёки ривожланиш босқичида шамоллаш ёки алиментар трофик моддалар алмашинувининг патологик жараёни натижасида келиб чиқади.

А. Трейтел (1901) фикрича, алалия диққат ва хотиранинг етарли эмаслиги натижасидир.

А. Либман (1901) алалияда нутқнинг тўлиқ эмаслигини интеллектуал етишмовчилик билан боғлайди. А. Ивинг (1963) болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги асосида сўзнинг мотор образи тузилишини мия бузилишларига боғлаб кўрсатади. М. Гелман (1962) тавсидламича, нутқ бош мия марказларининг бузилишининг натижасида ривожланмайди.

Р. Лихзингер (1970), М. Берри (1957), М. В. Ҳўдишева (1961), В. А. Ковешников (1985) ва бошқалар алалияни келиб чиқишида туғма бош мия травмалари ва ҳомиладорлар асфиксиясининг ролини белгиладилар. Тўғриқ травмалари ва асфиксиялар бир қатор ҳолларда ҳомиланинг патологиясининг оқибатидир бу сурункали нисперод етишмовчиликни келтириб чиқаради ва тузилмалари, биринчи навбатда филогенетик муносабатга нисбатан ёш, пўстлоқнинг 3 қавати (қатлами) нисперод етишмовчиликка биринчига сезгир хисобланади. Мия пўстлогининг учинчи қатлами ассоциатив алоқаларнинг мураккаб тизимини боғлаб беради. Бу тизим инсоннинг олий нутқ функцияларининг шаклланишини, биринчи навбатда нутқ ва психикани таъминлайди.

Этиологик омиллар ичида етакчи ўринда ҳомиланинг жароҳати, инфекция билан касалланиши; ривожланиши учун ноқулай шароит; ҳомиланинг заҳарланиши, ҳомила ёки илк ривожланиш даврида бош мия шикастлари; илк болалик даврида касалликлар натижасида бош миянинг заҳарланиши ва бошқалар.

Ҳомиладорлик патологияси мия моддасининг диффуз жароҳатланишига олиб келади, турли калла-мия травмалари ва чақалоқлар асфиксияси нисбатан локал бузилишларни келтириб чиқаради. Бош мия пўстлоғидаги турли соҳаларнинг жароҳатланиши, нутқий ва нутқий бўлмаган функционал тизим ривожланишидаги бузилишларни келтириб чиқаради. Е. М. Мастюкова (1971) нейроонтогенез нуқтаи назаридан иллатни характерли тури шуни кўрсатиб ўтади; ҳар қандай зарарли омилнинг туғруққача ва туғруқдан сўнг эрта ёшларда таъсир кўрсатишида, қачонки бош мия пўстлоғи ҳали шаклланиш босқичида бўлади, локал нуқсоннинг шаклланиши аниқ белгиланмаган ҳолда бўлади, чунки жароҳатланиш кўпинча карил-

терга эга бўлади.
С.С. Корсакова ва И.И. Красногорский кузатишлари натижасида мазкур бўлими, алалия марказий асаб тизимини толиқиши, гипотрофияни келтириб чиқарувчи соматик касалликлар оқибатидир.
Ю.А. Флоренская фикрича, алалия патогенезида рахит, ичак йўлларида овқатланиш ва уйқунинг бузилиши, нафас йўлларини тез-тез хасталиги алоҳида ўрин тутади. Бу нуқтаи назарни барча муаллифлар ҳам тўғри деб баҳолайди. Соматик касалликлар етарли ҳисобланган асаб касалликларининг патологик таъсирини кучайтиради.
Айрим муаллифлар (Р. Кож (1988), М. Зееман (1961); Р. Лукзингер, Н. Сапей (1977) ва ҳ.к.з) алалия этиологиясида наслий омил, авлодий мойиллик ҳолатларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар.
Бироқ алалияни келиб чиқишида наслий омилларнинг таъсири адабиётларда ёритилмаган. Кўпгина ҳолларда алалик бола оиласида ичкилик, эпи, бошқа патологик омилларнинг бутун бир мажмуи кузатилади.

Алалияни ўрганишни анатомо-физиологик аспекти.

Алалия - марказий характердаги органик

нутқ бузилишидир.
Алалияда бола миянинг айрим нутқ-лов соҳаларида нерв толаларининг миел-ланишининг орқада қолиши кузати-лади. Асаб тизимлари етилмаган бос-қичда, яъни нейробласт ўз ривожлани-шини тўхтатади. Бола миянинг бундай шикастланганлиги тугма ёки болада нутқ шаклланишига қадар юзага кели-ши мумкин. Алалияда бола миянинг жароҳатланиши перенатал ёки илк постнатал даврда юзага келиши мум-кин.
Бола ҳаётининг дастлабки уч йили шарт-ли равишда нутқгача бўлган давр деб ҳисобланади. Бунда бола мия нутқлов тузилмаларининг жадал шаклланиши кечади ва боланинг нутқдан фой-даланиш тажрибаси ҳали жуда кам бўлади. Нутқий функция учун муҳим ҳисобланган мия тизимининг ривож-ланиши ҳамилалик даврида тугал-майди ва бола туғилганидан сўнг ҳам давом этади.
Миянинг ривожланмаганлиги ёки ~~эрта~~ жароҳатланиши нерв тузилмалари қўз-ғалувчанлигининг пасайишига асосий нерв жараёнлари ҳаракатчанлигининг ўзгаришига олиб келади.

бу эса бош мия пўстлоғи тузилмалари-
нинг иш фаолиятини пасайтиради.
Алалия асосида ётувчи патофизиологик механизмларни ўрганиш, қўзғалувчанлик ва тормозланишлик жараёнлари-нинг ишлатилиши, бош мия пўстлоғи тузилмаларининг юқори даражада функционал зарарланувини кўрсатди (И.К. Самойлова 1952). Тадқиқотчилар мия пўстлоғида қўзғатувчи ва тормозловчи жараёнларнинг фазовий концентрациясини етишмаслигини аниқладилар. Алалия-ли болаларда миянинг электр фаолиятини ўрганиш жараёни, кўпинча чакка - тепа - энса соҳаларида, пешана - чакка ва централ эгатларнинг чакка қисмларида биопотенциалларнинг аниқ локал ўзгаришларини аниқлаб берди. (Л.А. Белоред, (1971); А.Л. Линденбаум (1971), Э.М. Мастюкова (1972)).

Сўнги текширишларнинг кўрсатишича, алалияда икки ярим шарлар пўстлоғида кўплаб жароҳатлар, яъни билатерал жароҳатларнинг енгил намоён бўлмаган шакллари кузатилади. Бош миянинг бир томонлама зарарланиши натижасида нутқ ривожланиш бош миянинг соғлом томонининг компенсатор имкониятлари соғлом ривожланаётган ярим шарлар ҳисобига амалга

оғизнинг мушаки.
Бош миянинг билатерал зарарла-нишида компенсатор имкониятлари мутлақо йўқолади ёки нутқ қийинчилик билан амалга оширилади.
Бу ҳолда, бош мия нутқ зоналари зарарланишининг 40%. ўчоқли тарқатувчи чапақайлар ҳақидаги юқори мавжуд бўл-ган кучдан нуқсон тасдиқланмайди.
Алалия белгилари ва механизмлари.
Алалия - нутқий ривожланишнинг вақ-тинчалик функционал дисфункцияси эмас. Бу нутқ бузилишида нутқий ривож-ланишнинг барча жараёни мар-казий асаб тизимининг патологик ҳолати натижада кечади.
Алалиянинг айрим кўринишлари таш-қаридан болаларнинг нормал ривож-ланишининг илк босқичларига ўхшай-ди. Бироқ вақт ўтиши билан улар ўр-тасидаги фарқ яққол кўзга ташланади, яъни нутқий нормал ривожланишда алалиядан фарқли равишда нутқ бос-қичларининг ўрни бошқаси билан ўз-вий ва тез ҳолда алмашади.
М. Совак (1931) ва бошқа тадқиқотчилар „алалия" тушунчасини кенгайтириш мақсадида унинг кеч шаклланган кўринишларини киритадилар. Улар алалиянинг нутқий неврологик ўйқ-

лиги - мутизм, деменция ва шизофренияда нутқнинг бузилиши, эшитишнинг пасайиши ва алигофрениядан фарқли кўрсатадилар.

M. Совак (1971) ва бошқа тадқиқотчилар „алалия" тушунчасини кенгайтириб бу билан нутқ бузилишининг барча ҳолатларини қамраб оладилар: улар деменция ва шизофренияда нутқ бузилишидан, эшитувнинг бузилиши ва алигофрениядан фарқ қилувчи нутқнинг неврологик бузилиши сингари мутизм билан боғлиқ бўлмаган нутқнинг секин шаклланишини ҳам бу гуруҳга киритдилар.

К. П. Беккер ва М. Совак (1981) нутқ ривожланмаганлиги суръатида белгиги, ижтимоий сабаблар ёки улар конституциясининг устунлиги билан боғлиқ компонентларни ажратдилар. Тадқиқотчилар фарқлари бўйича ингари номланувчи жинсий-сосовли, мотор-кинестетик бузилишлар ёки ноқулай ижтимоий таъсирлар билан шартланган, ўзига хос характерга эга. Нутқ ривожланишининг кечишида намоён бўлади.

Нутқ ривожланишининг оддий кечишидан фарқли равишда нутқ ривожланмаганлигининг мураккаб шакл-

рини характерлай тури, М. Критчли (1974), фраз-фразалар дискординациялар-нинг, тил ва лабнинг харакатли масканларининг кучсизлигини, сўзли белгиларни тушириш ёки нотўғри қўллашни мавжудлигини таъкидлаб ўтади. Баъзилар афазияси (алалияси) мерослот учун баланинг белгилардан фойдаланиш қобилиятининг бузилиши ёки чегараланганлиги сифатида белгиланади. М. Критчлининг таъкидлашича, Халқаро неврологик федерацияда (Италия, Варенна 1966) нутқ етарли ривожланмаганлиги ҳолатида „афазия" терминидан бутунлай воз кечиш таклиф қилинган. Бундай ҳолатлар учун тавсия қилинган терминлар „тугма алалия", „дисфазия" кенг оламга тарқалмади.

Алалиянинг нутқий ва нутқий бўлмаган белгилари кузатилади. Алалияда бузилишлар белгиларида нутқий бузилишлар етакчи ўрин эгаллайди. Алалия нутқнинг системали шаклланмаганлиги бўлиб, нутқнинг барча таркибий қисмларининг бузилишлари кузатилади: фонетик - фонематик, лексик - грамматик томони.

Алалиянинг нутқий бўлмаган камчиликлари орасида мотор, сенсор, психо-

патологик белгилари аниқида кўрсатилади. Ҳозирги кунда алалия механизмлари муаммоси жуда мураккаб ва баҳсли муаммодир.

Мавжуд концепцияларда алалия механизмлари шартли равишда сенсомотор, психологик ва тил билан боғлиқ турларга бўлинади. Сенсомотор концепция тарафдорлари алалияда нутқ шаклланмаганлигини сенсомотор функциялар патологияси эшитув агнозаси, апраксиялар билан боғлайдилар.

Психологик концепцияси тарафдорлари нутқнинг шаклланмаганлигини идрок ва нутқий баённи юзага келиши жараённинг тил операциясининг шаклланмаганлиги билан боғлайдилар.

Алалияни тавсифлаш.

Алалия ўз механизмлари, нутқий ривожланмаганликнинг юзага келиши ва намоён бўлишига кўра турлигадир. Алалия кўринишидаги кузатишувчиларни ўрганиш ва фарқлашга танланган ёндашув асосида тадқиқотчилар бузилишнинг бир неча турларини намладилар.

А. Либманн (1925) бузилишнинг психологик таснифини таклиф этади. Бунда болалар гуруҳларга бўлинади, тўлиқсиз эшитув идроки билан (фонематик), кўрув

идроки бузилиши билан (предметли) ва психологик таснифини тавсия этади. Бунда болалар гуруҳларга бўлинади.
В. К. Орфинская (1963) лингвистик тавсифланмани шуллаб чиқиб, тил тузилишида бузилишларининг етакчи кўринишларини берилганлиги ва иккиламчи бузилишларга кўра алалиянинг 10 шаклини ажратиб кўрсатади: 4та мотор шакли, 4та сенсор етишмовчилик шакллари ва 2та нутқ ривожланмаганлигининг асосида ҳаракат кўрув бузилишлари билан боғлиқ шакли.
В. А. Ковшиков (1985) шуларида алалиянинг импрессив (сенсор) ва экспрессив (мотор) шакллари кузатилади.
Экспрессив алалия деганда тил бирликларини эгаллаш ва уларни бошқаришнинг бузилиши билан намоён бўлувчи тил бузилишлари тушунилади ва бу ҳол артикуляция ва мавно операцияларни бажариш шаклини чеклайди.
Ю. Ф. Соботович (1985) психолингвистик тузилишини ва нутқий фаолият механизмларини таҳлилга асос бузилишни таҳлил қилди ва алалияни фарқлади: тилнинг парадигматик ёки синтагматик тузилишини бузилишигача кўпчиқа, бузилишлар Ю.Ф. Соботович фикрига

мотор афазияда нутқнинг белгили шаклини ўзлаштиришда камчиликлар кузатилади (нутқлардан вужудга келиш жараёнида белгилардан фойдаланиш ва бирлаштириш қоидалари).
Афазиянинг кенг чиқиши ва ривожланиш динамикасини айрим муаллифлар схематик тарзда қуйидагича таърифлайдилар: у ёки бу сабаб боис миянинг бутун сенсомотор соҳасининг жароҳатланишини келтириб чиқаради. Бунинг оқибатида тотал афазия юзага келади. Сўнгги йилларда жароҳатланишнинг асосий ўчоғи нутқнинг сенсор ёки мотор соҳалари томонига сурилади. Шу сабабли бола ривожланишининг эрта даврларида афазияни сенсор ва мотор шаклларига ажратиш шартли кечади, кейинчалик бузилишнинг етакчи компонентини ажратиш мумкин.
Сўнгги тадқиқотлар қаторида бу бўлиниш экспрессив ва рецептив афазия терминларида ўтказилмоқда. Бу терминда бузилиш квалификациясида физиологик эмас, психологик ёндашув таъкидлаб ўтилади.
Бир қатор мутахассислар фикрига кўра (К.Р. Беккер, С. Совск (1981))(М. Критчли 1974...)

алалияда нутқнинг марказий бузилишлари вербал акустик агнозия ва вербал мотор апраксия кўринишларида бўлади. Алалиянинг турли оғирлик даражалари ажратилади: оддий нутқий бесўнақайликдан, сўзлашув нутқидан фойдаланишга бутунлай қобилиятсизликкача.

Адабиётларда алалия муаммоси юзасидан бериладиган маълумотлар кўп қиррали ва қарама - қаршидир. Нутқ мураккаб функционал тизим сифатида динамик локализацияга эга ва бош мия тузилишининг турли соҳаларини нутқий фаолиятга жалб этади. Алалик болалар учун экспрессив нутқнинг суст ривожланганлиги эмас, балки ривожланишни патологик кечиши ҳам хосдир.

Мотор экспрессив алалия.

Мотор алалия – бу марказий характердаги органик бузилишлар натижаси ҳисобланиб, [illegible] неврологик кўринишли нутқнинг ривожланиши борасида жиддий орқада қолишга олиб келади.

Бу концепция тарафдорлари нутқий малакаланмаганликни мотор етишмовчилиги билан тушунтирадилар (Р. Кож, Г. Гутцман, Р.А. Белова - Давид, Н.Н. Трауготт, В.К. Орфинская ва бошқалар).

Кўпчилик муаллифлар алалияни кинетик ёки кинестетик апраксия билан боғлайдилар ҳамда унинг эфферент ва афферент шаклларини ажратиб кўрсатади. Афферент алалияда нутқ бузилишларининг механизмлари кинестетик апраксияга боғлиқ бўлса, эфферент алалияда эса - кинетик апраксияга боғлиқ (афазия аналогларига кўра). Апраксияни артикуляциянинг турли бузилишларига, нутқ тузилишидаги мураккаб товушлар талаффузи, сўзнинг товуш - бўғин тузилишининг нутқ бузилишлари фақат мотор етишмовчиликлар натижаси эмас. Шунингдек, мотор етишмовчилик алалияли болаларнинг фақат бир қисмидагина кузатилади.

Психологик концепцияга кўра, мотор алалия механизмини психик жараёнларнинг тафаккур, хотира, шунингдек, кучсиз фаоллигининг айрим боғлиқларининг ўзаро муносабати ташкил этади.

И.Т. Власенко, В.В. Юртайкининг (1981) тадқиқотларига, бундай болаларнинг нутқий фаоллигини ташкил этувчи структураси таркибий қисмлар орасида десинхронизация аниқланган: бир ҳолларда операцион имкониятларнинг сақланганлиги ҳолатида мақсадли кўрсатмаларнинг шаклланмаганлиги мавжуд; бошқаларда

ёзишга тўғри мотивациянинг мавжуд-лигида фаолиятнинг операцион қато-рида етишмовчилик мавжуд.

Бу муаммога замонавий психолингвистик ёндошиш тил концепциясида акс эттирилган Ю.Ф. Соботович, В.А. Ковшиков, М. Брикштун, В.К. Воробьева ва х.к.

В. А. Ковшиков, баён қилишнинг юқори кўламида бериш сақланган маъно ва мотор даражасида, тилнинг баён қилиш операцияларининг шаклланмаганлиги алалиянинг бу шакли ўзиўзлашишнинг марказий бўлиб ҳисобланади деб тахмин қилади. Бу алалияни асосан тил бузилишлари сифатида изоҳлашга асос бўлади. Мотор алалияда ибора ва матнларни тузиш бўйича кутилган харакатларнинг шаклланмаганлиги, сўз бирикмаси, сўз танлашнинг шаклланмаганлиги билан учрамайдиган ички дастурларнинг бузилиши ҳам кузатилади.

Ю.Ф. Соботович (1985) фикрича кўра, мотор алалияда асосий камчилик тилнинг белги шаклини эгаллашдаги, яъни кутилган юқори келиш жараёнида белгилардан фойдаланиш ва уларнинг мос келишидаги бузилишларни дастурлаш, танлаш, таснифлаш операциялари шаклланмайди.

барча лексик-грамматик қурилиш аспектларида камчиликлар кузатилади: сўзни танлаш ва унинг кетма-кетлиги, баённинг тўғри тузилиши ва х.к.з. Бу эса психофизиологик механизмлар-нинг шаклланмаганлиги сифатида характерланади.

Алалияни босқда тил бирликлари тизими-ни эгаллаш имкониятининг чегаран-ганлиги сезилади. Баён қилишни юқорига кўтариш, безатиш операция-лари шаклланмаган бўлади, хусу-сан, фразаларни танлаш билан бу қаторда ички бўлиниш ва бўлин-маларо дастурлаш (яъни, артикулятор дастур) ва гуруҳ-синтактик ва гуруҳ-семантик даражаларни амалга оширувчи операциялар, яъни ички нутқ даражаси бузилади.

Иккинчи нейрофизиологик жиҳати бош миянинг субстрата бузилишларини нутқнинг шаклланмаганлиги харак-тери билан боғлиқлигини таҳлил қилади. Иккинчи психологик ва линг-вистик жиҳати нутқий ва ноутқий психологик функцияларнинг ўзаро му-носабати, яъни камчиликларнинг намоён бўлиш таркибида нутқий фаолиятнинг ҳолатини таҳлил қилади.

Мотор алалия белгилари.
Мотор алалия нутқий ва нутқсиз бўлмаган белгилар мажмуини ташкил этувчи мураккаб синдром ҳисобланади. Мотор алалияда нутқий нуқсон таркибида нутқий бузилишлар етакчи ўрин эгаллайди.
Нутқий белги. Мотор алалияда нутқ бузилишлари системали характерда бўлиб, унинг барча таркибий қисмлари учун хос: фонетик-фонематик ва лексик-грамматик.
Устунлик қилувчи белгиларига кўра, болаларни фонетико-фонематик ривожланмаганлик устунлик қилувчи гуруҳга (усар камчилик) ва лексик-грамматик ривожланмаганлик устун бўлувчи гуруҳларга бўлиш мумкин. Таҳлилларга кўра, биринчи гуруҳдагиларнинг ярим шарлар пўстлоғининг марказий мотор соҳаларидаги пастки бўлимларининг дастлабки жароҳатланишларига асосланади. Бу ерда артикуляцион харакатларни бажариш ёки уларни муайян мускулатурада (бошқа харакатларни бажаришда) келиб чиқувчи мушаклар, пайлардан гуруҳ мия, пўстлоқ мотор соҳасининг олдинги бўлимлари жароҳатланишига

ажралмайди.

Алалияли болаларда талаффуз ти-зимининг ривожланиши сифат ва миқ-дори жиҳатидан ўзига хослиги билан характерланади. Бу барча болаларда у ёки бу даражада ва нутқий ри-вожланишнинг ҳар бир нуқсонлоқ қисми-да босқичида намоён бўлади.

Нейрофизиологик жиҳатдан ёндошил-ган ишларда артикуляцион бузилиш-лари бош миянинг мавжуд бир нуқсон-лоқ зоналарининг шаклланмаганли-ги билан боғлаб кўрсатилади. (Р.А. Белов-Давид, А.Н. Трауготт).

Психолого-педагогик жиҳатдан ёндо-шилган ишларда (Р.Й. Левина, В.К. Орфинская, А.К. Маркова, Й.Т. Коритская, В.А. Милашина, Й.Ф. Соботович, Исанова ва х.к.З) алалияли болалар-да нутқнинг фонематик бузилишлари лексик ва грамматик ривожланиш хусусиятлари билан ўзаро боғлиқ деб баён этилади. Нутқнинг фонема-тик ривожланиши луғат бойлиги-нинг ривожланиш даражасига боғ-лиқ.

Бир қатор ҳолларда товушлар луғат ривожланишининг таъсири остида спонтан

ҳосил бўлади, чунки уларни сўз таркибида бўлмаган миқдордаги ўринишлар билан боғлиқ. Алоҳида товушларни улар танловидан тўғри талаффузи шароитида ҳам бола томонидан сўзнинг товуш таркибини ўзгариб ёзиладиган кўп сонли хатолар бунга гувоҳлик беради.

Айрим ҳамкорлуб нутқнинг кенгайиши янги товушларни ҳосил бўлишига олиб келса, айрим ҳолларда эса аввал аниқланган артикуляциялар бузилишга келади, сўнг улар сўзларда мустаҳкамланади. Нутқнинг алоҳида таркибий қисмларини бир бутун ҳолатга келтириш имкониятларида қийинчиликлар кузатилади.

Алалияда мураккаб ҳаракат дифференцировкалари қийинчилик билан ўзлаштирилади, динамик артикуляцион стереотип шаклланмайди — товушларни тўғри ёки нотўғри такрорлаганда товушларнинг бирикиши қийинлашади. А.Р. Луриянинг таъкидлашича, алалияда ўтган артикуляция деморвациясида қийинчиликлар ва бир артикуляциядан иккинчисига силлиқ ўтишда қийинчиликлар аниқланган. Бу товуш, бўғинлар ўрнини ўзгариб қолишига, сўз тузил-

нинг соддалашиши ва бузилишига олиб келади.
Алалияли болаларда нутқ аппаратининг нозик харакат координациялари шаклланмайди. Нутқ харакат анализаторининг аналитик-синтетик бузилишлари турли кўринишларга эга: орал апраксия, кетма-кетликнинг бузилиши ва хакозо. Бунда керакли артикуляцион холатни излаш, мавжуд бир артикуляцион харакатнинг бажарилиши қийинлиги, кетма-кетликни эгаллашда қийинчиликлар кузатилади.
Бу холларда нутқий артикуляцион бузилишларни белгиловчи харакат бузилишлари етакчи ўрин эгаллайди. Шунингдек, кинетик ва кинестетик артикуляция (артикуляциялар) оқибатида нутқнинг фонетик ва фонематик томонларида камчиликлар кузатилади. Нутқ аппаратидан бош мия пўстлоғида борувчи кинестетик импульслар олинган бошқа артикуляцион харакатлари нормал шароитда товуш талаффузи ва товушлари шаклланишида муҳим ўрин эгаллаб, сўзнинг товуш таркибини аниқлаш, керакли товуш кетма-кетлигини сақлашга ёрдам беради.
Алалияда эса бола сўзнинг керакли товуш

кетлигини сақлаш, аниқлашга қийна-
лади, бир сўзни иккинчи бир сўз би-
лан алмаштириб айтади.
Бу эса парафазиянинг кўпайишига,
асосий сабаб жараёнларнинг ҳара-
катланишининг бузилишларидан
далолат берувчи камчиликлар, яъни
персеверация ва ҳ.к.з. кузатилиш ва
тормозланиш жараёнидаги камчи-
ликларга олиб келади. Бунинг нати-
жасида эса, болада эшитиш ва
нутқни тушуниш етарлича сақлан-
ган ҳолда, нутқни мустақил ривож-
лантиришга тўсқинлик қилувчи ар-
тикуляция мускулатурасининг парез
ва лаб ҳаракатлари кузатилмаганда,
нутқ мустақил равишда ривожлан-
майди, ҳатто вақтида у айрим товуш-
лар талаффузи билан чекланади.
Мия пўстлоғи ривожланганлиги
даражаси қанчалик юқори бўлса, нутқ
функцияларининг шаклланганлиги
шунчалик чуқур ва кўпроқ бўлади.
Артикуляцион процесс бузилишлари ва
нутқий ҳаракатларнинг фаолияти бевоси-
та алоқа мавжудлиги кузатилган, ан-
набарин бу томондан нутқнинг фо-
нетик тузилиши, иккинчи томондан нутқни
тушуниш, идрок қилиш.
Аломатда қайси артикуляцион ҳара-

катламининг бузилиши, нутқ ҳаракат анализатори шикаст топиши товушнинг пасайишига олиб келади, бунинг натижасида замир ва нозик кинестетик импулсларни идрок қилиш қийинлашади ва хатто бутунлай йўқолади. Тўсиқлов тамонидан фақат бирмунча йирик кинестезиялар қабул қилинади ва таҳлил қилинади. Бунинг натижасида, мотор алалияда, гоҳида ўзига қаратилган нутқни сўзларни идрок қилолмаслик, грамматик шакллар ва кенг ёзилган матнни тушунишни сезилмаслиги ва қийинлашуви кузатилади.

Н. Н. Трауготт маълумотига кўра, мотор алалияли 70% болалар ўзига қаратилган нутқни тўла тушунадилар, 20% болаларда тушуниш бироз пасайган ва 10% болалар ёмон тушунадилар, бироқ бундай холларда болаларнинг ўз нутқи бошқа хар доим тушунишига қараганда ёмонроқ бўлади.

Шунинга, товушларни аниқ идрок қилолмаганидан болалар, фразаларининг фақат алоҳида элементларини илиб оладилар ва уларни ягона шаклга тузишга доимий олмайдилар.

Тушунишнинг бундай чегараланганлиги асосий нуқсонни иккиламчи кўриниши ҳисобланади.

Наддан ташқари кашфатган фаол нутқ-га эга бўлса туриб, бошқалар ёрдамига пассив нутқга эга бўлиши мумкин. Бир қарашда нутқни тушуниш холати мутлақо [illegible] мумкин, аммо нутқнинг мураккаб вариантларини тушунишга бари-бир айрим қийинчиликлар бўлади. Тушунишнинг турли даражалари аниқланган: грамматик шаклларни бутунлай тушунмаганлигидан, фақат грамматик конструкцияларни тушунишдаги алоҳида қийинчиликларгача. Сўзларни акс эттиришда эса сўз ўрнида мазмуни яқин бўлган товушлар комплексини ифодалайди, бу сўзнинг бир нечта бузилган вариантларини кўрсатади. Луғат бойлигининг кўпайишига қараб, сўз структурасини эгаллайдиган қийинчиликлар биринчи ўринга сузиб чиқиб қолади. Бундай бузилишлар мунтазам бирданига ўсиб кетади.
Нутқий оқимда нотўғри айтилган сўзлар кўп бўлади.
Мотор алалиядан бошқача луғат бойлиги секин, нутқий амалиётда нотўғри фойдаланилган ҳолда ривожланади.

Мотор алалия ли болаларда луғат бойлиги ескине, нутқий амалиётда нотўғри фойдаланилган ҳолда ривожланади. Лексик-семантик воситаларнинг камбағаллиги, ўхшашлиги, яқинлиги, бир-бирига зидлиги бўйича турли хил алмаштиришларга олиб келади. (коса-идиш), шунингдек предметларнинг ташқи белгилари бўйича алмаштиришлар кузатилса, кўпроқ функцияларига асосланганлар кузатилади (ичиш белгилар). Сўзларни аҳамияти бўйича алмаштириш бола нутқи ривожланишининг биринчи юқори даражасини характерлайди. В.К. Воробёванинг кўрсатишича, аҳамиятнинг алмаштириш кўпинча отларга нисбатан феълларни кўпламда кузатилади.
Болалар синоним, антоним, умумлаштирувчи сўзлардан фойдаланмайдилар. Уларда сифат, равиш захиралари бир хилда ва жуда тор. Нутқ ривожланишининг барча босқичларида луғатни фаоллаштириш қийинчилиги, болаларнинг луғат захирасидан сўзларни тўғри танлай олмаслиги ва тўғри қўллай олмаслиги аниқланади.
Бундай болаларнинг луғат бойлиги кундалик-турмуш мавзулари билан

ушитади, бола сўзнинг маъносини тушунтириб бера олмайди, сўз ҳосил қилиш воситаларидан фойдалана олмайди.

Кўп узоқ вақтгача камбағалмагача қолади, она тилига хос бўлмаган иборалар билан қайтаришга солади.

Нутқнинг грамматик тузилишидаги бузилишларнинг ўзига хос хусусият-лари Н.Н. Трауготт, Р.Е. Левина, Б.М. Гриншпун, С.Н. Шаховская, Й.Ф. Соботович, В.А. Ковшикова ва бошқа муаллифларнинг ишларида тўла ёритилгандир.

Болалар от ва феълни нутқда мувофиқлаштиришда қийналадилар, қўшимча ва боғловчилардан фойдаланмайдилар, уларнинг нутқида турдош ва сон қўшимчаларни нотўғри қўллайдилар. Гапирганда сўз оқимининг ўзгаришидан маҳрум бўла сўзлар ус-тунлик қилади, баён қилишнинг морфологик тўлдирилмаганлиги ку-затилади. Болалар тил қоидаларини кузатолмайдилар, таҳлил қилолмайдилар, умумлаштиролмайдилар, нутқий материал устидан фикрлаш операциясини амалга оширолмайдилар, нутқий белгини тушуниб тўғри қўл-лай олмайдилар.

бола имо-ишора билан бирга бир, икки сўзлар билан жавоб беради. Лексик-грамматик, фонетик воситаларнинг етишмаслигидан бола мулоқотнинг мимика-имо-ишора шаклининг ривожланиши кузатилади. Фикрни ифодалаш учун у кўпинча отнинг номланиш шаклини тўғри ёки бузилган кесимларда ифодалайди. Алалияда грамматик қурилиш секин ва нотекис ривожланади, шакл ўзгартириш ва шакл ҳосил қилишда камчиликлар кузатилади, грамматик мезонлар ўзлаштирилмайди, синтаксис конструкциялар соддалиги билан фарқ қилади.

Алалияда нутқнинг барча томонлари ва функциялари системаси ривожланмаганлиги кузатилади. Иборалар тузиш ва грамматик қурилишни ўзлаштиришда қийинчиликлар аниқланган.

Алалияда тақлид нутқ фаолиятларининг етарли ривожланмаганлиги, барча ихтиёрий нутқ шаклларининг тўлиқ эмаслиги кузатилади. Баён қилиш жараёнида барча операцияларнинг етишмаганлигига қараб, баён қилишнинг ички бузилишини тақдим амалга, ошириш бузилишига ҳам сабаблар

Мотор алалия келиб чиқишига кўра бир хил эмас. Айрим ҳолларда тил воситаларини, яъни фонематик, лексик ва грамматик таркибий қисмларини танлаш операцияларининг шаклланмаганлиги кузатилса, айрим ҳолларда мослаштириш операцияларининг шаклланмаганлиги кузатилади.

Мотор алалиянинг нутқий бўлмаган белгилари.

Алалияли болаларда нутқий фаолиятгина шаклланмай қолмасдан ҳис, балки мотор ва психик фаолиятда ҳам камчиликлар кузатилади.

Алалияда турли даражада намоён бўлувчи неврологик белгилар ҳам кузатилади: бош мия дисфункциясининг мураккаб бўлмаган кўриниши ва марказий асаб тизимининг бирламчи бузилиш белгиларидан бошлаб, то кўпгина асаб тизимининг бирламчи бузилиши (айниқса, пирамидал ва экстрапирамидал тизими парезлари).

Н.Н. Трауготт келтирган маълумотга кўра, оралари алалияли болаларнинг 10% кузатилади. Уларда нисбатан етилмовчилик, соматик заифликлар ҳам кузатилади.

Мотор фаолиянинг пасайганлиги,

ритмикликнинг етишмаслиги, динамик ва статик мувозанатнинг бузилиши аниқланади (бир оёқда сакрай олмайдилар ва туролмайдилар, оёқ учида ва товонда юра олмайдилар, коптокни отиб ушлай олмайдилар ва х.к.з.)
Айниқса қўл бармоқларининг майда моторикаси қийинлашади.
Мотор алалияли болаларда ғазабқайтлик ва амбидекстриянинг устунлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.
Бир хил болалар қўзғалувчан, инжиқлов, фаолиятда тартибсиз, жуда фаол, баъзилар, айниқса, эринчоқ, бўшашган, тормозланган, шарт, аспонтан бўладилар.
Болаларда олий психик функцияларда хотира, диққат, тафаккур ва х.к. етишмовчиликлар кузатилади.
Алалияда хотира ўзига хос манзара касб этади: ҳажми торайди, ҳосил бўлган изларнинг тез сўниши, нутқий қўзғатувчиларнинг маълум турини эслашнинг чекланганлиги ва х.к. Айниқса вербал хотира заифлашган бўлади. Вербал хотира ҳаракат, образли, эмоционал хотира турларидан фарқли равишда, инсоннинг ўзига хос хотира тури ҳисобланади. Сўз тамсилида, дейилганлик ва уни унутиш ва баён қилишга сезади.

Кото қилиш ва масхара бўлишдан қўрқиш шунга олиб келадики, бо-
лар нутқий етишмовчиликлардан ай-
ланиб ўтишга ҳаракат қиладилар, нутқий мулоқотни рад этадилар, имо-
ишоралардан кўпроқ фойдаланадилар. Боланинг шахс хусусиятлари марка-
зий асаб тизимининг шаклланма-
ганлиги билан боғлиқ. Нутқий нуқсо-
ни турган болалар жамоасидан ажралиб қолади ва бу вақт ўтиши билан боланинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Шунингдек, гнозис, праксис, вақт синтези шаклланишида етишмовчиликлар, диққатнинг шакллан-
маганлиги ва хотиранинг торлиги, идрок ва бошқа психик фаолиятларнинг шаклланмаганлиги кузатилади.

И.Т. Власенко, В.В. Юртайкин (1981) бундай болаларнинг мактаб программасини ўзлаштиришда фразада боғлашни аниқламаган ва нутқнинг режалашти-
рувчи ҳамда бошқарувчи функцияларини, умумлаштиришнинг шаклланма-
ганлиги ҳақида гапириб ўтишган.

Алалияли болаларнинг интеллекти норма-
си мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади. Н.В. Богданов-Березовский (1909), Р.А. Белова-Давид (1972) ва бош-
қалар фикрига кўра, бундай болаларда

тафаккур бирламчи бузилган бўлади ва айнан шу нуқсон нутқий қобилиятларининг ривожланмаслигига олиб келади.

М.В. Богданов-Березовскийнинг айтишича, болалар афазияси (алалия) нафақат тилнинг мазмуни соҳаларини бузилиши ва бунинг оқибатида барча нутқий функцияларда камчиликлар бўлиши билан боғлиқ бўлмай, балки интеллектнинг умумий муҳитида ҳам албатта ўз аксини топади.

Н.Н. Траугот (1945-1965), Р.Й. Левина (1951) М.Й. Хватсев, С.С. Ляпидевский, Н.А. Никашина ва бошқаларнинг фикрига, алалияли болаларда нутқнинг ҳолатига сўз интеллект ўртасида ижобий корреляция кўрсатилмаган. Бу болаларда билимга қизиқиш бор, предметли-амалий ва меҳнат фаолияти етарлича шаклланган, аммо фикрлаш жараёнлари секинлашган, тушунчалар шаклланмаган ва х.к.з.

Кўп ҳолларда алалияда ақлий ривожланмаганлик иккиламчи нуқсон бўлиб қолади. Тадқиқотчилар булар орасидаги айрим узилишлар ҳақида, болалар фикрларининг аниқлиги, қолоқлиги ҳақида ҳам гапириб ўтганлар.

Интеллект етишмовчилиги юқори дара-
жадаги толиқувчанлик, диққатнинг
пасайиши, хотиранинг пасайиши, шу
қобилиятларининг ўзининг билан му-
раккаблашади. Нутқий ривожланмас-
ганликни бартараф этиш жараёни-
да ақлий ривожланишнинг кечикиши
аста-секин нормага етади.
Амалиётда мантиқий операцияларнинг
қийинлашганлиги, фикрлашнинг
бузилишлари, рационаллаштириш қобили-
ятининг пасайиши, умумлаштириш
ва мавҳумлаштириш, оғзаки ва ди-
намик праксиснинг бузилиши, акус-
тик гнозиснинг бузилиши, ёзма нутқ
шикастланиши таъсир қилувчи интеллек-
туал операцияларнинг пасайиши куза-
тилади. Умумлаштириш даражасининг
пасайиши ўйин фаолиятларида, рол
ижро этиш ўқувининг шаклланмаган-
лигида болаларнинг берганида ўйна-
майдиган ўйинларида намоён бўлади.
Болаларга вазифалар нутқий режа-
да, сўз кўрсатмалари бўйича берилмай
кўргазмали тақдим этилса, болага ва-
зифани бажариш осонроқ бўлади.
Бу фаолиятда сенсорлик, тартибсиз-
лик, пассивлик, тормозлик, предметли
амалий фаолият хусусиятларида
ўз ифодасини топади.

болаларда фазовий-вақт муносабатла-
рининг шаклланишида қийинчилик-
лар юзага келади, предметларнинг
вақт ва фазовий хусусиятларини сўз би-
лан белгилаш ва нутқ билан, хо-
тира, нутқ, тафаккур операциялари
(анализ, синтез, умумлаштириш, таққос-
лаш) бузилади, мантиқий абстракт
тафаккур даражаси етарлича шаклланма-
маган, аммо болалар берилган му-
ҳокамани усулини аниқ сақлайдилар,
шунда ёрдамдан фойдаланадилар.
Бир қатор тадқиқотчилар аномалияли
болаларда интеллектнинг бирламчи
сақланганлиги ҳақида гапириб ўтадилар
ва иккиламчи дефектлари, интеллект
меҳнат адаптациясининг етарли
имкониятларини таъкидлаб ўтадилар.
Аномалияда нутқнинг тўлиқлиги ёки тўлиқ
шаклланмаганлиги бола руҳий
ривожланишига ўзига хос таъсир этади.
Аномалияда болаларда нутқ атроф-му-
ҳитни билишнинг етакчи воситаси
ҳисобланмайди. Шунинг учун қатор
ҳолларда интеллектнинг меъёрида
ривожланишини таъминлай олмайди.
Нутқий нуқсон билиш фаолиятининг
тўлақонли ривожланишини сусайти-
ради. Аномалияда нутқий ривожланма-
ганликнинг турли хил вариантлари учрайди.

Алалияли болаларни алалий куза-тиш жараёни уларда мавжудотлар, тасаввурлар захирасининг тушунчаларини, атроф-муҳитда мўлжал ола билиш малакасининг борлигини кўрсатди, болалар вақтдаги ўзгаришларни ҳисобга оладилар, ўз нутқларига танқидчан, унинг тўлақонли эмаслигидан азият чекадилар, ақли заифларга қараганда жуда яхши ёрдам кўрсатадилар. И.И. Жинкин фикрига, алалия ва афазия тузилишида нутқ ва тафаккур ўртасидаги нисбат ҳақида сўз асрлик муаммо ётади.
Мавжуд соматик нуқсонлар мавжуд-лигига қарамай, ҳароб ҳолдаги нутқий ҳолат натижаларини ақлий заифликка келтириш мумкин эмас, деб таъкидлайди И.И. Жинкин (1972).
Алалиянинг даражаларини турли авторлар турлича кўрсатадилар. Р.Й. Левина нутқий ривожланиш чекланишнинг 3 даражасини кўрсатади. Н.Н. Трауготт, Л.В. Мелекова алалияда болалар нутқини шаклланишининг 4 босқичини давр ажратиб кўрсатадилар. О.В. Правдина бу нутқ камчилигининг 4 босқичини кўрсатади, аммо бу босқичлар юқорида келтирилган босқичлардан фарқ қилади. Бу борада асосий қарама-қарши фикрлар мавжуд эмас.

Нутқнинг ўз-ўздан ривожланишида турли хил хатоларнинг юқори даражада [illegible] аломатнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади.

Бузилишнинг ўзига хослиги тутилиш даврининг ўзидаёқ намоён бўлади: У ҳаддан ташқари бир турлилиги билан характерланади ёки бу давр бутунлай бўлмайди. Биринчи сўзлар ва жумлалар маълум даражада кечикиб пайдо бўлади ва аломатда нутқ ривожланишининг барча босқичларида унинг барча томонларини бузилганлиги кузатилади.

Алалияли болалар нутқининг ривожланиши жараёнида муайян ижобий динамикани кузатиш мумкин. Болалар нутқ ҳолатининг бир даражасидан иккинчи даражасига, бир-мунча юқорисига ўтадилар. Улар у ёки бу нутқий кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, гапирмай юришни тўхтатадилар, бироқ нутқи ривожланмаган болалар бўлиб қолаверадилар. Умри бўйича жуда секинлашган, аммо шу билан бирга ривожланишига киришишида нуқсонлар аниқланади.

Кўпгина болалар алалиянинг барча шакллари учун характерли бўлган умумий нуқсонларга эгадирлар:

сўз маъноси тизимининг шаклланма-ганлиги, грамматик тузилиш конс-трукциялари, семантик нуқсонлар.

Сенсор алалия.

Сенсор алалиянинг асосий белгиси бош миянинг чап ярим юқори дар-расининг шикастланиши билан боғлиқ, нутқ-эшитув анализаторининг шу-нинг натижаси бўлиб нутқни тушуниш-даги камчиликлар ҳисобланади.

Бу эса нутқ қўзғатувчиларини таҳлил ва таркибий бўлинишга, предмет ва то-вуш образ ўртасидаги боғланишнинг шаклланмаслигига олиб келади. Бола ўзига қаратилган нутқни эшитади, аммо тушунмайди.

Қаратилган сўз товушлари остида идора қилувчи қўзғалиш, лаб тўқималари-нинг ривожланмаганлиги сабабли бошқа анализаторларга тарқалмайди, ва барча сўз билан боғлиқ мураккаб динамик структурага қўзғал-майди.

Сенсор алалияда бузилган нутқий товушни таҳлилини амалга оширув-чи нутқ эшитув анализаторининг мияси (темир қобиғи) фаолиятини оғир аналитик-синтетик бўлинишла-ри кузатилади. Бундай болаларда фонематик идрок шаклланмайди,

фонемалар дифференциациялашмайди ва сўз яхши идрок этилмайди, акус-тик, гностик жараёнлар ривожланмай-ди ва нутқий товушларни идрок этиш қобилияти пасайган бўлади.
Сенсор алалия мотор алалияга нис-батан кам ўрганилган. Бу ҳолат мав-жуд манбада сенсор алалияни ама-лиётда жуда кам ўрганиш билан боғ-лиқ. Сенсор алалияни мустақил нутқ бузилиши сифатида кўриниши ҳақи-да ҳозирги кунда ҳали айрим мутахассислар аниқ бир фикр айта олмайдилар.
Нутқий бузилишнинг етишмовчилиги ёки бўзилишида, энг аввало, одамнинг эши-тиш қасати ҳақида савол туғилади. Бир неча маротаба ўтказилган махсус тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўпгина ҳолларда сенсор алалияли болаларда тонал ([illegible]) эшитувнинг сезилар-си пасайиши мумкин бўлиб у нутқий тушунишнинг ривожланма-слигини шакллантириш учун етарлик жиддий эмас.
Н.И. Трауготтнинг маълумотларига кўра, маълум болалар 6 м узоқлик-да (бу нормал эшитганда ўртача баландликда нутқни идрок этиш-нинг меъёрий даражаси) ўзларига

қаралган нутқни тушунадилар, лекин эшитганларини мазмунини тушунмайдилар, бу болаларда ақлий заифлик белгилари кузатилмайди.
Тадқиқотчилар фикрига кўра, сенсор алалияда нутқ қисмларининг кузатилиши мумкин, лекин бу нутқий ривожланишга ташкилда асосий роль ўйнамайди.
Сенсор алалияли болаларни эшитиш қобилиятини текшириш жуда мураккабдир.
Махсус электроакустик аппаратида текширилганда, эшитувнинг турли жараёнига аниқланган: бир хил частотали ва баландликдаги сигналлар гоҳ идрок қилинади, гоҳ қилинмайди.
Сенсор алалияда эшитув диққати ва идрокининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг секинлашганлиги турли жараёнлига эшитиш ҳолатини тўғри баҳолашга тўсқинлик қилади.
Кўпинча эшитув диққатида ҳам камчиликлар кузатилади: болалар эшитмайдилар, тез чарчайдилар, чалғийдилар, товушни охиригача эшитишни тез тўхтатадилар ва ҳ.к.з.
Аудиометрик текширув, қачонки уни бир неча марта ўтказилса ва бола ёшига кўра, натижаларини тўғри

тушунча болалагина берилишига асосан бўлади.
Боланинг эшитиш қобилияти ҳақида аниқ хулосалар, фақатгина 8-10 текширувдан олинган маълумотлар, аудиограммаларни таққослаш натижасида келтирилади.
Тушуниш, қизиқиш ва жавоб олиш учун мурожаат қилинган сигнал (катталар нутқи) кучли заиф бўлиб қолади. Диққатнинг ўтолмаслиги ва унинг тез толиқиши – эшитмовчилик суръатидаги ўзига хос кўринишлардир.
Сенсор алалияда предмет (ҳаракат) ва уни таърифловчи сўз ўртасида боғлиқлик шаклланмайди. Сенсор алалияда эшитувнинг сифатсизлигини тадқиқотчилар бош мия пўстлоғи тўқималарининг жароҳатланган ёки ривожланмаган ўчоқларининг катталиги билан, бола миясида тор ўчоқли характердаги жароҳатнинг йўқлиги билан тушунтирадилар.
Айрим ҳолларда сенсор алалия болалар асосий равишда кар ва заиф эшитувчилар учун мўлжалланган махсус муассасаларга юборадилар. Н.Н. Трауготт (1940) махсус мактабларда 200 та кар ўқувчиларни текшириб, уларнинг ичидан

8 та нотўғри ташхисланган сенсор алалияли болаларни ажратиб кўрсатади.

Сенсор алалияда нутқни тушунишдаги бузилишлар, эшитиш пасайиши натижасида келиб чиқадиган камчиликлардан фарқ қилади. Кузатувларнинг кўрсатишича, одатда, заиф эшитувчилар идрокида турғун ва доимий камчилик кузатилади. Сенсор бузилишлар эса идрокнинг турғун бўлмаган бузилишлари билан фарқланади. Болалар бир хил баландликдаги кучсиз сигналларни гоҳ эшитадилар, гоҳ эшитмайдилар.

Бу боланинг қўзғалувчанлиги ёки тормозланганлигидаги руҳий фаоллиги, атроф-муҳит таъсири, текшириш пайтидаги шароит, сигналларни бериш усули ва қатор бошқа омиллар билан боғлиқ. Миянинг ривожланмаганлиги ёки эрта шикастланиши етилмаган мия тузилмалари иш қобилиятини пасайтиради. Бунда асаб [illegible] жараёнлари нормал кечмайди.

Гоҳида болалар атрофдагилар нутқини эрталаб яхшироқ идрок этади — тонгги уйқудан сўнг мия нейронлари иш функцияси юқори, кечга бориб толиқувчанликнинг ошишига қараб нутқни

тушишини ёмонлашади. Бошқа ҳолатларда кутишни кечки пайт ёки уни идрок этадилар, кўринишидан, эрталаб термо-лашда тунги уйқудан сўнг ҳали ҳам ўз таъсирини кўрсатаётган бўлади, кечга бориб эса, мишдаларга қараб идрок бир-лигига экинланади, мия тўқималари мисоли ишга киришади.

Сенсор анализда замор жиссувчиларда фарқли равишда гиперакузиялар кузатилади (гиперакузиялар - атрофдагилар учун бефарқ бўлган товушларга сезгирликнинг ошиши). Масалан томчилаб томаётган сув овози, жиннинг чиқиллаши. Замор жиссувчи беморлар бу сигналларни идрок этмайдилар.

Ташқи, таъсирланиш, психик бўлиш, юқори невротик ҳолатидан ташқари соғлом одамларда бундай товушларни эшитсаларда сира унга бефарқ қарайдилар. Сенсор анализ беморларда эса бундай товушларга кескин салбий реакциялар кузатилади. Безовталик, йиғловлик, қулоқ ва бош оғриғидан шикоят қиладилар. Бу болада жиссувнинг сақланганлиги, одатланмаганлиги, жароҳатланганлар ичида мия пўстлоғининг етилмаган тўқималари учун ҳаддан ташқари кучли таъсирловчи бўлишининг кўрсаткичидир.

Заиф эшитувчи болалар сенсор анализаторлари нисбатан мулоқотга тез чарчайдилар, Юқорида келтирилган ва бошқа белгилар болалардаги нутқ бузилишларини тўғри таснифлаш имконини беради, тўғри ташхис эса коррекцион тарбиявий таъсир тизимида самарали методик воситаларни тўғри танлаш имконини беради.

## I. 2. Алалик болалар нутқ нуқсонининг текшириш методикаси.

Экспрементал тадқиқот ишида „Луғат бойлигини текшириш" методикасидан фойдаланилди. (Аюпова М.Ю., Исамова Г. 2007) Луғат бойлигини текширишда мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқида қўлланиладиган ва улар учун тушунарли бўлган сўзлар танланди. Экспериментимизда текшириладиган сўзларни танлашда биз А.Н. Гвоздевнинг болалар нутқини ривожлантириш ҳақида маълумот ва материалларга Н.И. Сереброванинг (1968) алалик болалар луғатининг шаклланиш хусусиятлари ҳақида, Н.С. Жукова, Т.Б. Филичева (1980), Е.М. Мастюкова (1973), Л.Р. Муминова (1992) ларнинг НТР болалар луғатини ривожлантириш бўйича методик материалларга асосланди.

НТР болалар нутқининг лексик ҳолати қай даражада ривожланганлиги, яъни луғат бойлигини текшириш учун қуйидаги сўзларни танладик.

Отлар:

I. гуруҳ. Кундалик ҳаёт, амалий фаолият билан боғлиқ бўлган сўзлар. боланинг оилада ва уйи шароитида қўлланиладиган сўзлар (дада, ойи, уй, коп-

ток, кўзир 2015).

II гуруҳ. Болалар маълум тасаввурга эга бўлган ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзлар (болаларга эртак, китоб ва кундалик ҳаётда ишлатилиб таниш бўлган нарса ва ҳодисалар, аммо бу нарса ва ҳодисалар билан амалий фаолият чегараланган. Масалан: товоқча, қайчи, сабзавотлар ва б).

Феъллар:

I гуруҳ: ҳаракат ва ҳиссий ҳолатни билдирувчи феъллар (масалан: ўтир, ол, ичмепти, кулаяпти).

II гуруҳ: ёзув ва ўйин ҳаракатини билдирувчи феъллар (масалан: ёзяпти, чизяпти, ўйнаяпти, ечинаяпти, кийиняпти).

III гуруҳ. кундалик ҳаётдаги ҳаракатларни билдирувчи феъллар (масалан: емоқда, ювинмоқда, таранмоқда, ҳадамоқда).

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини текширишда кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилди.

Махсус танланган ва тайёрланган қўлланмалар болаларни текшириш жараёнида мулоқотга осон киришишни, қизиқтиришни, ҳамда ишлашга хоҳиш уйғотиш имконини берди.

Луғат бойлигини текшириш жараёнида

машғулотларни турли вариантларда бериб, бунда оддийдан мураккабликка томон боришимизни назорат қилиш керак.

1.-топшириқ. Предметларни номлаш.

Бу топшириқ бола луғатининг ҳажмини, сифати, талаффуз ва бўғин тузилиши ҳар хил бўлган сўзларни талаффуз қилиш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Бунда болага рангли расмлар тавсия қилинади. Болага „Бу нима?", „Бу ким", „Нима қиляпти?", „Қандай?", „Қаерда" каби саволлар берилади.

Расмларни танлашда қуйидаги мавзуларни ажратиб олиш: мевалар, сабзавотлар, уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, транспортлар, уй анжомлари, паррандалар, кийимлар, идиш-товоқлар, ранглар ва ҳ.к.з.

2 топшириқ. Қатор предметларни бир сўз билан умумлаштириб номлаш.

3 топшириқ. Сифат белгиларини аниқлаш. Болага расм асосида „Шакли қандай? Ранги қанақа?" каби саволлар билан мурожаат қилинади. Берилган жавоблар нутқ картасига қайд қилиб борилади.

4 топшириқ. Фаолият номларини айтиш. Бунда аниқ бир харакатни ифодаловчи расмлар танланади. Болага „... нима

қилаяпти?" саволи билан мурожаат қилинади.
5-топшириқ. Фаслларни ажратиш.
Фасл белги ва хусусиятларини изоҳлай олиш қобилиятини текшириш.
Болалар луғат бойлиги текширишига оид топшириқларни қай даражада бажарганликлари балл тизимида изоҳланади:
3-балл – бир сўз, қисқа, содда гап билан берилган жавоб;
2-балл – тақлид имо-ишора билан берилган жавоб;
1-балл – хеч қандай жавоб йўқ;
Болаларнинг импрессив нутқини текшириш уларнинг пассив луғатини ўрганишга қаратилган.
А.Р. Лурия импрессив нутқни текширишда унинг экспрессив томони билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиш кераклигини таъкидлайди. Бу шу билан тушунтириладики, нутқни эшитишнинг бузилиши нутқ артикуляцияларининг ва экспрессив нутқнинг иккиламчи бузилишига олиб келади. Артикулятор жараёнларининг ва ички нутқнинг бузилиши нутқ товушларини идрок қилиш ва нутқ маъносини тушуниш каби импрессив жараёнларга таъсир қилади.

Импрессив нутқнинг мураккаблиги ҳақида Л. С. Выготский (1980) ҳали айтган эди. Унинг фикрига „нутқни тушуниш - тубдан сигнали бўйича реакцияни бажаришидан кўра кўпроқ ва мураккаброқ нарсадир." Шунга кўра бу ҳали болаларда импрессив нутқни текширишни қуйидаги топшириқлар ёрдамида амалга оширдик.

1. топшириқ. Диалог, Топшириқ 10та бирин-кетин мураккаблашиб борувчи саволлардан иборат. Бундай саволларни тушунишдаги қийинчиликлар фақат импрессив нутқнинг қўпол нуқсонларидагина кузатилади.

Саволлар қуйидагича:

1. Исминг нима?
2. Неча ёшдасан?
3. Бу ерга ким билан келдинг?
4. Онангни исми нима?
5. Қайси фаслни ёқтирасан?
6. Оилангизда энг катта ким?
7. Нонуштага нима единг?
8. Оилада нечанчи фарзандсан?
9. Ёзда қаерда дам олдинг?
10. Кеча кечқурун нима иш қилдинг?

2-топшириқ.

Оғзаки берилган буйруқларни бажариш. Мисол учун: „Китобни ол; Эшикни ёп; стулга ўтир"; бу усулни мураккаблаш-

чириш ҳам мумкин. Бунда болага берданига 2-3 ҳаракатни бажариш бир гап билан баён қилинади. Шарт ҳисобга олиш мумкин, бунда бериладиган бир ҳаракат иккинчисининг давоми бўлиши мумкин эмас.
Масалан: „китобни стол устига қўй“, эшикни оч, қаламни ол“.
3-топшириқ.
Кўплик ва бирлик шаклида келган от ва феълларни тушуниш.
Иккита расм танланади. биринчисида қаламнинг, иккинчисида қаламларнинг расми ифодаланган.
Боладан сўралади. „Қайси расмда қалам (қаламлар) тасвирланганини кўрсат“.
4-топшириқ. Гапларнинг маъносини тушуниш. Сўзларнинг грамматик маъноси асосида нутқни тушуниш даражасини текшириш. Бунда болага бир гуруҳ расмлар кўрсатилади.
Боладан логопед айтган расмни кўрсатишни талаб қилинади.
Жумладан рўйхати қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Китоб стул устида.
2. Китоб стул остида,
3. Китоб столнинг ёнида.
4. Столда китоб бор.

5. Олим Давронни урди. Демак, ким урушқоқ?

6. Салима Азизадан баландроқ. Кимнинг бўйи паст. Салимани кўрсат. Азизани кўрсат.

Болалар нутқини тушуниш даражасини текширишга оид топшириқларни қай даражада бажарганликлари балл тизимида изоҳланади.

3-балл – топшириқни тушуниб бажарди;

2-балл – топшириқни тушунишга қийналди;

1-балл – топшириқни бажара олмади;

## II-боб. Алалик болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари.

### II.1. Эксперимент текшириш натижалари.

Биз экспериментал текширув ишимизни Қўқон шаҳар 39-сонли болалар нутқ боғчасида олиб бордик. Тадқиқот ишимиз учун 6 та нутқ камчилигига эга бўлган (алалик) болалар танладик.

Экспериментал текширув ишимизни 3 босқичда амалга оширдик.

Биринчи босқич – Мактабгача ёшдаги алалик болалар нутқини логопедик текшириш методикаси тайёрланди. Алалик болалар ҳақидаги қўлланмалари, ДТС талаблари, дастурлари, логопедик маълумотлар кузатилди. Махсус болалар нутқ боғчасининг логопедлари, тарбиячилари билан суҳбатлар ўтказилди.

Иккинчи босқич – тажриба-синов босқичи бўлиб, унда логопедик текшириш методларидан фойдаланилган ҳолда махсус болалар нутқ боғчасининг алалик болалар нутқи текширилди.

Учинчи босқич – ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлил этилди.

бизни томонимиздан Бўстон шаҳридаги 39-сонли болалар боғчасининг мактабгача ёшдаги болалари текширилди. Булардан 2та қиз 4таси ўғил болалар. Бу болаларнинг нутқий ривожланишини маълум ораликда қолганлиги текширишимиз жараёнида маълум бўлди.
Уларнинг нуқсон бўйича жуда кичик-гина бўлиб, осонлик билан аниқланмаган. Уларни нутқи эса 5-6 ёшда пайдо бўлган. Бу болалари асосий ҳисса уй шароитида тарбияланган. Тиббий ва педагогик нуқталарда келтирилган маълумотлар, ҳамда болалари уйи ва мактабда нутқини текшириш жараёнларида динамик кузатиш орқали болаларнинг хулқ-атвори, руҳий жараёнларининг қай даражада ривожланганлиги ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлдик. Бу болаларда диққат, ирода, хотира каби руҳий жараёнлар секин ривожланган. Машғулотларда узоқ вақтгача ишчанлик қобилиятини сақлаб тура олмайдилар, тез чарчовчан ва эътиборсизлар. Билган шулари, бажарган вазифалари юзасидан хулоса чиқаришга қийналадилар

II.1.1. Алалик болаларнинг умуми ва нутқий анамнезини ўрганиш натижалари.

Нутқий анамнезни ўрганишда "гу-гулаш даври", биринчи бўғинлар, биринчи сўзлар қачон пайдо бўлганлигига, қачондан нутқга тақлид қила бошлаганлигига, нутқий камчилик қачон аниқланганлиги, айни вақтда бола нутқининг ҳолати, аввалдаги нутқий муолажот ва логопедга мурожаат этган ёки этмаганлиги ҳақидаги маълумотларни ўргандик.

Натижаларни 1-жадвалда ифодаладик.

1-жадвал.

| № | Гу-гулаш даври. | Биринчи бўғинлар | Биринчи сўзлар | Тақлид қилиш | Нутқий нуқсон аниқланганлиги | Айни вақтда бола нутқи ҳолати | Оиладаги нутқий мулоқот | Логопед билан шуғулланганми |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 5ой | 7ой | 2ёш | 2ёш | 3ёш | Алалия | Ўзбек тили | Ҳа |
| 2 | 4ой | 6ой | 1ёш 8ой | 2ёш | 3ёш | Алалия | Ўзбек тили | Ҳа |
| 3 | 6ой | 8ой | 3ёш | 3ёш | 3,5ёш | Алалия | Ўзбек тили | Ҳа |
| 4 | 5ой | 8ой | 2,5ёш | 3ёш | 3,5ёш | Алалия | Ўзбек тили | Ҳа |
| 5 | 3ой | 7ой | 3ёш | 3,5ёш | 4ёш | Алалия | Ўзбек тили | Ҳа |
| 6 | 6ой | 8ой | 4ёш | 4,5ёш | 3ёш | Алалия | Ўзбек тили | Ҳа |

1-жадвалдан кўриниб турибдики текширилган болаларнинг нутқий ривожланиши анча кеч ва суст шаклланган. Болаларнинг 2тасида гу-гулаш даври 3-4 ойда, 4тасида 5-6 ойликдан бошланган. Биринчи сўзлар эса 3та болада 6-7 ойликда, 3та болада 8 ойликдан бошланган. Биринчи сўзлар 4та болада 3 ёшда, 2та болада 3,5-4 ёшда пайдо бўлган.
Ота-оналарга „Фарзандларингиздаги нутқий нуқсонни қачондан айқагансиз?" савол билан мурожаат қилганимизда, аксарият ҳолларда „2 ёшдан кейин" деган жавобни олдик.
Айни вақтда текширилган болаларнинг деярли барчасида анамнези салбий мақом белгиланди. Бундай болалар атрофдагилар нутқини қисман тушунсаларда, аммо ўз хоҳиш истакларини имо-ишора орқали билдирдилар.
Фарзандларини махсус боғчага жойламагунча биронта ҳам ота-она логопедга мурожаат қилмаган, ҳамда болаларнинг нутқий нуқсонига танқидий қарашмаган.

## II. 1. 2. Импрессив нутқни текшириш натижалари.

Импрессив нутқни текшириш натижалари 2-жадвалда келтирилган. Бу натижалардан шуни кўриш мумкинки, болаларда импрессив нутқни текшириш бўйича диалогда мулоқотга кириша олиш топшириғини 2та бола тушунишга қийналди, қолган 4та бола эса топшириқни тушунмади.

Болаларда импрессив нутқни текшириш бўйича оғзаки шаклда бериладиган буйруқларни бажариш топшириғини аналик болалардан 3та бола тушунишга қийналди, қолган 3та бола эса топшириқни тушунмади.

Болаларда импрессив нутқни текшириш бўйича кўплик ва бирлик шаклида келган от ва феълларни тушуниш топшириғини бажаришда фақатгина 1та бола топшириқни тушунишга қийналди, 5та бола эса топшириқни умуман тушунмади. Болаларда импрессив нутқни текшириш бўйича гапларнинг маъносини тушуниш топшириғини аналик болаларнинг 6таси ҳам топшириқни умуман тушунмади.

2-жадвал

Алалик болалар импрессив нутқини текширишнинг натижалари.

| | Топшириқлар | 3 балл | 2 балл | 1 балл |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Диалог | – | 2 | 4 |
| 2 | Оғзаки шаклда бериладиган буйруқларни бажариш. | – | 3 | 3 |
| 3 | Кўплик ва бирлик шаклида келган от ва феълларни тушуниш | – | 1 | 5 |
| 4 | Гапларнинг мазмунини тушуниш. | – | – | 6 |

## II. 2.3. Алалик болаларнинг луғат бойлигини текшириш натижалари.

Алалик болалар нутқини текшириш жараёнида бунга шу нарса маълум бўлдики, бу болаларнинг нутқи ниҳоятда камбағаллиги билан ажралиб турибди. Кузатувларда шуни аниқладики, улар турмушда қўлланиладиган сўзлардагина фойдаланадилар. Бу болаларнинг актив луғати жуда паст, болалар бу билан суҳбатда анча қийналадилар.

Сенсор алалик болалар луғат бойлигини текшириш натижаларини 3-жадвалда батафсил ёритдик.

Бу текширишнинг натижалари шуни кўрсатдики, алалик болаларнинг нутқий фаолликлари жуда паст эканлигини кўрсатди.

Предметларни номлаш топшириғини 1та бола тақлид шов-шувлар билан бажарди, қолган 5та бола эса берилган топшириқда ҳеч қандай жавоб бера олмади.

Қатор предметларни бир сўз билан умумлаштириб номлаш топшириғига барча алалик болалар ҳеч қандай жавоб бера олмадилар.

Сифат белгиларини аниқлаш топши-

рижга барча аниқ болалар ҳеч
қандай жавоб бера олмадилар.
Фаолият номларини айтиш топши-
риғини бажаришда 1та бола так-
лиф имо-ишора билан фаолият
номларини айтиб бера олмади.
5та бола эса фаолият номлари-
ни айтиб бера олмадилар.
Фаслларни ажратиш топшири-
ғини 2та бола бир сўз, қисқа, сўз-
да гап билан жавоб бердилар.
Қолган 4та бола эса топшириқни
умуман бажара олмадилар.

3-жадвал

Аланик болалар нутқининг лексик ҳолати қайд этилган экспремент натижалари.

| № | Топшириқлар | 3 балл | 2 балл | 1 балл |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Предметларни номлаш | – | 1 | 5 |
| 2 | Қатор предметларни бир сўз билан умумлаштириб номлаш | – | – | 6 |
| 3 | Сифат белгиларини аниқлаш | – | – | 6 |
| 4 | Фаолият номларини айтиш | – | 1 | 5 |
| 5 | Фаслларни ажратиш | – | 2 | 4 |

II.2. Алалик болалар нутқини ривожлантириш йўллари.

Алалик болага таъсир беришни бола ёшидан бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Алалик бола билан логопедик иш тизимининг асосий вазифаларидан бири уларни фикрлаш, тафаккур, тасаввур қилиш, диққат ривожлантириш жараёни олиб борилади. Бу жараёнлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Сўз бойлигини ошириш ва норма даражасига етказиш.
2. Нутқни грамматик қурилишини шакллантириш.
3. Товушларни ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш.
4. Сўзлашув нутқига қизиқиш, ҳоҳиш уйғотиш.

Мотор алалик болалар нутқини ривожлантириш одатда бир неча даврга бўлиб олиб борилади.

Ҳар бир даврда нутқни барча таркибий қисмларини ривожланишига тўхталиш қилинаётган, асосий қийинчиликларни ажратиб кўрсатиш лозим. Бир даврдан бошқа даврга ўтиш бола нутқининг энг кўп даражасини пайдо бўлиши билан боғланади.

Ҳар бир даврга ажратилган вақт муҳитга махсус тавсиянинг бошланиш вақтига боғлиқ бўлади.
Н.Н. Трауготтнинг фикрича логопедик иш қанчалик эрта бошланса, шунчалик тез болани нутққа ўргатиш мумкин. Шундай қилиб бола ёш бўлса, у ўз камчилигини шунчалик кам сезади, шунчалик нутқидан уялади. Бундан ташқари боланинг билиш даражаси тор, фикрлари оддий, нутқи нормал боланинг нутқига қараганда содда ва камбағал бўлади. Мактабгача ёшдаги боланинг нутқини ривожлантиришнинг энг самарали давр бўлиб ҳисобланади. Мотор алалик болалар билан олиб бориладиган логопедик ишда шундай тоза нутқни ҳосил қилиш кераки, кейинчалик боланинг нутқи эркин бир тизимни ташкил этсин. Мотор алалик бола билан логопедик иш тизими даврма-давр олиб борилади. Бутун ишни шуғулловчи муваффақияти асосан логопедик таъсирга боғлиқ.
Алалияни бартараф этишда, логопед олиб бораётган машғулотлари мақсад сари йўналтирилган, нутқий ривожланиш даврига асосланган,

шунингдек қўлланаётган йўл ва воситаларнинг самарадорлигига қаратилган бўлиши керак.

Логопедик таъсирнинг бошланғич даврининг асосий вазифаси аниқ бола нутқини ривожлантиришдан ҳамда тил тизимини эгаллаш учун йўналтирилувчи механизмларини ҳосил қилишдан иборат. Логопед бундай вазифани амалга оширишда логопедик таъсирни нутқ, ҳамда нутқий бўлмаган бузилишларга қаратиши лозим. Одатда ҳам логопедик иш амалиётида бундай йўналиш ҳисобга олинмайди, лекин логопедик таъсирнинг ўзи кўпинча 2 йўналишда амалга оширилади, яъни дастлаб нутқий бўлмаган бузилишларни тўғрилаш устида иш олиб борилса кейин нутқий бузилишларни бартараф этиш устида иш олиб борилади.

Бундай кетма-кетликни амалга қўллаш мумкин. Чунки нутқни ривожлантириш бошқа жараёнларни ривожи билан узвий боғлиқдир, яъни анализ-синтез, тафаккур, диққат ва бошқа жараёнлар нутқ ривожланиши базасини фундаменти бўлиб ҳисобланади. Нутқнинг шаклланмаганлиги ҳақида гап кетганда биз бир томондан

шаклига бола олдида турган вази-
фаларни бошқа томондан эса лого-
пед олдида турган вазифаларни ҳи-
собга олишини керак. Агар бола олди-
да тил белгилари, нутқ ҳаракатлари-
ни эгаллаб олиш вазифаси турса, ло-
гопед олдида эса қайси нутқ ҳара-
кетларини бола эгаллаб олиши
кераклигини аниқлаб олиш вазифа-
си туради. Бошқача сўз билан айт-
ганда логопед аниқ машғулот
режасини тузиши ҳамда бир тизим
асосида материалларни танлаши
лозим.
Юқорида айтиб ўтилган машғулот
режаси алоҳида аҳамиятга эга бўл-
ган бир қатор мезонларга асосланган
бўлади. Логопедик таъсирнинг бошлан-
ғич даврида асосан бола ўқув ма-
териалларини тўлиқ эгаллаши учун
қўйиладиган талабларни ҳисобга ол-
ган ҳолда методик кўрсатмаларни
тайёрлаш лозим.

а) предикатив функцияни эгаллаш;
б) грамматик қурилишни элементар
қонун қоидаларни эгаллаш;

Бунда асосан нутқни семантик томо-
нига аҳамият берилади. Нутқнинг бу
томони ва унинг кўламинига деяр-
ли эътибор берилмайди, ёзма нутқни

шакллантириш бошланган даврида нотўғри талаффуз этишга йўл қўйилади. Алалик боланинг нутқининг грамматик томонини ривожлантириш бўйича логопедик ишни эрта бошлаш зарур.

Дарҳақиқат бола томонидан грамматикани эгаллаш янги нутқни эгаллаш учун янги йўл очади. У луғатни бойишига ва товуш талаффузи ривожланишига имкон беради. Нутқни грамматик томонини ривожлантириш алалик боларда грамматикани ривожлантиришдан аввал учрайдиган махсус қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Бола маълум бир грамматик конструкцияларни (синтаксис ва морфология) эгаллаш билан чекланади. Чунки бола бир вақтнинг ўзида ҳамма конструкцияларни ўзлаштира олмайди. Конструкция танлашда қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш керак:

а) нутқни предикатив функцияларини ривожлантиришга нисбатан оддий конструкциялар.

б) суҳбатлашув нутқига тааллуқли бўлган конструкциялар.

Бундай логопедик иш вақтида логопедик алалик бола нутқининг грамматик

қурилишини қай даражада ўзлаштир-
ганини рецептив билан кузатиши ло-
зим. Анализатор билан ўрганилган
материаллардан кейин бола логопед
кетидан у ёки бу шаклда сўзни қай-
тариб айтадиган бўлади. Бундан ташқари
улар сўзни тўғри синтаксис конструкция-
ларда ишлатишни ўрганиши. Анали-
затор равишда сўзларни механик-
ни конструктор қилмайди. Унда сўзнинг
моделини шакллантиради. Боланинг нутқ
бойлиги нечта сўздан ташкил топгани-
ги эмас, балки сўз бирлашув жараёни-
да улардан қандай фойдалана олиш,
қанда бошқа сўзлар билан боғлай оли-
ши ҳисобга олиш керак. Бунинг учун
бола ўз нутқида қўллайдиган барча
сўзларни қанда логопедик иш жа-
раёнида эгалланган сўзларнинг
ҳажмини шаклланган фаолиятга
моделларга киритишни лозим. Кузат-
ишлар шуни кўрсатадики, логопе-
дик иш давомида боланинг луғати
ва фразали нутқи ривожланади.
Луғатни ўстириш ишлари бола эгал-
лаган товуш ва бўғин структураси
ва товуш талаффузини ривожлан-
тириш ишлари билан бирга олиб
бориш зарур. Дастлаб импрессив
нутқни, сўнг товуш ва морфологик

алалия ҳолида нутқнинг моторли то-
монини шакллантириш устида иш
олиб борилади, кейин грамматика ту-
зиш ҳолида, нутқ аппаратининг нозик
координацион ҳаракатларида учрай-
диган камчиликларни бартараф этиш
бўйича иш олиб борилади. Логопед
Л.Б Мелихова мотор алалия болалар
билан олиб борган кўп йиллик таж-
рибасидан хулоса чиқариб, логопед шу-
ни 4-даврга бўлиб олиб бориш керак
деб ҳисобламайди.

Бола гапирмайди, нутқни сўз, гапга айлан-
майди. Нутқни стимули паст, луғати-
да сўз бўлмайди. Мотор алалик бола
атрофдагилар билан жест ёрдамида
баъзан эса, формал свой реакциялари
билан мурожаат қилади.

Аста-секин унинг нутқи бойиб бо-
ради. Бу даврда мотор алалия бола-
нинг нутқи қуйидагича белгилар
билан ифодаланади:

а) ундов сўзлар (вой, вуй).
б) товушга тақлид сўзлар (так-тук, ба, му...)
в) 1-2 бўғиндан иборат бўлган сўз.

Мотор алалик бола товушларни бир
хил, нотиқ талаффуз қилади. Баъзи
товуш артикуляциясини умуман бўл-
майди. Гапириш кўпинча мимика
ва деярли қамтбатан жестлар билан

намоён бўлади. Баъзи мимика бола-
лари мустақиллашиб нутқда қўлла-
нмадиган мимик сўз бўлиб қолади.
Масалан: бола сув ичмаган дейишнинг ўр-
нига, қўли билан оғзини кўрсатади.
Баъзан сўз товуш комплекси бу пред-
метни номини унинг харакатини
қанда берган бир хусусиятини ифо-
даласини мумкин. Баъзан бу сўзлар
гаплари бола нутқида учрашиши мум-
кин. Бу гаплар фақат аниқ вазиятлар-
дагина, изоҳловчи жестлар билан бирга
келгандагина тушунилиши мумкин. Бу бо-
лалар грамматик ўзгаришларни аҳа-
миятини тушунмайдилар. Бу нутқига
танқидий қарамайдилар. Бу даврда айб
бўлмайдиган логопедик ишнинг асосий
вазифаси бола билан пассив нутқ кон-
тактига ўрганиш орқали нутқ импуль-
сини ҳосил қилишдан иборат (бу даврда
логопед бола ўрнига гапиради). Агар
бола гапириши керак бўлган сўз-
ларни айтмаса, у ҳолда логопед ўзи га-
пиради. Бу вақтда нутқ импульслари
ва жавобан овоз реакциялари ри-
вожланиши содир бўлади.
Бу қўйилган вазифани амалга ош-
ришда турли ўйин вазиятларидан
фойдаланиш мумкин. Логопед билан
бола бир-бирига яқин ўтиришлари

лозим. Таниқлайётган логопеднинг юзи болага аниқ кўриниши керак. Логопеднинг нутқи оддий, енгил сўзлардан танлаб топилиши керак. Талаффузи ифодали, эмоционал, ўрта темпда бўлиши керак. Ўйин мобайнида имкони борича сўз ва фразаларни қайта-қайта айтилиши лозим. Болага қизиқишни уйғотиш учун логопед у билан муносабатга киришиши лозим. Бола ўйинда ўзининг нутқий имкониятини ҳақида ўйламаслиги зарур. Логопед болага ўйинчоқларини осон сўзлар билан номлайди, унга савол беради ва бола ўрнига тез жавоб беради.
Бу вақтда бола берилган саволга сўз билан эмас, балки жестлар билан бутун қиёфаси билан жавоб беради.
Бу эмоционал жараёнда болада нутқий импульс туғилади. Логопед биринчи машғулотда болага ўзи ўйинчоқлар бериб ундан реакциясини кузатиб боради. Болага ёққан ўйинчоқни ана бир неча марта оддий сўз билан айтади, кейин болага бу ўйинчоқларни ўйнашга имкон беради. Ўйинчоқлар орасида овозли (сурнай, кўроз, айиқ) ўйинчоқлар бўлиши керак. Улар болада алоқада хурсандчилик уйғотади.
Логопед ўйинчоқлардан чиқаётган овоз

мослаб бу неча марта кетма-кет товушни қайтаради, кейин боладан қайтариб айтишини сўрайди. 5-6 уринишлар ичида бола тақлид қилишга қаратилган қиладиган ҳам топилади. Болани ҳар қандай тақлид қилишини логопед томонидан рағбатлантирилиши лозим.

Бола ўзи айтган биринчи сўзни қувонч, ачабланиш билан қабул қилади.

Ҳатто болалар ҳам биринчи машғулотдаёқ бирор нарсани гапириш имкониятига эга бўлмайди. Бунда логопед шошилмасдан ўйинни тушунтириш, болада жилмайиш ҳосил қилувчи ўйинчоқлардан фойдаланиши керак. 3-5 машғулотлардан кейингина узоқ вақт талаб қиладиган ўйинларни танлаш қилиш керак. Масалан, „қўғирчоқни чўмилтириш“, „қўғирчоқни айлантириш“.

Логопед болага ўйинчоқни бераётганда ҳар бирини номлайди. Бу „лола“, „мана тойчоқ“, „Лола чой ичади“, „бўлди“, „раҳмат“ ва ҳ.к.з.

Сўнг ўйин мобайнида бола тақлид қилишга қаратилган сўзлар қайтарилади, мудом қилиб оддий тушунарли бўлган нутқни кўп марotaба қайта-қайта эшитади. Логопед нисбатан енгил сўзларни интонация билан айтади, сўнг бола уни кетидан қай-

ришни сўрайди. Агар бола такрорлама-са, унда логопед ўзи айтади, сўнг бо-ла кетидан ўйинни давом этади. Ўйин давомида бола ўйинчоқлар билан фаол ҳаракат қилиши лозим. У бир минут ҳам диққатини ўйиндан чиқариши мумкин эмас. Натижада ҳаракат билан боғлиқ бирлиги вужудга келади, бу эса кейинчалик мустақил сўзни ҳосил қилишни енгиллаштиради. Ўйин логопед томонидан олдин-дан тайёрланган бўлиши керак. Ўйин вақтида ишлатиладиган сўз-лар эса ҳар бир ўқувчига аввалдан та-ниш бўлиши шарт. Сўз тузилиш-лари ва талаффуз қилиниши осон бўлиши лозим. Ўйин муддати 5-10 минутдан ошмаслиги керак. Болага нутқни тақлид қилишга ўргатиш, шунингдек умумий ҳа-ракатни ривожлантириш устида олиб борилган ишлар билан бирга ар-тикуляцион аппаратни тайёрлаш ҳам олиб бориш зарур.
Мотор алалия билан оғир апрак-сия билан бирга бутун ҳаракат сферасида камчиликлар кузат-илади. Логопед боланинг мото-рикасини ривожлантириш учун унинг ёш хусусиятлари ҳисобга

ачган ҳолда индивидуал жисмоний машқлар олиб борилиши лозим (сакратиш, копток билан ўйнаш ўргатилади) бола майда ўйинчоқлар билан ўйнаганда боланинг майда қўл мускуллари ривожланади.
Масалан, пирамидани очиш, йиғиш, турли геометрик шакллардан фигуралар ясаш, мозаика билан ўйнаш, қўғирчоқни кийинтириш.
Лаб харакатини ривожлантириш ҳамда нафас чиқаришни мустаҳкамлаш учун резинали ўйинчоқларга пуфлаш, сурнай чалиш ўйинларидан фойдаланиш мумкин. Кейинчалик болага берилган саволга „Туши сен қандай қиласан" жавобан бола бурни орқали нафас олиш жараёнларини кўрсатади. Бундай машқни олиб бориш, болада артикуляция органларига диққат билан қарашга ўргатади. Логопед билан бола ойна олдида ўтириб бир-бирини кузатади, ўзини кўра олади. Логопед кўрсатаётган харакатларни қайтаришни хаҳластиради.
Болалар ойна олдида логопед томонидан кўрсатилган шаклни ўзгартиради, кулимсираш пайтида юзда пайдо бўладиган шаклни кўр-

сотилган машинкасини ўзгартиради, кўрсатгичнинг ниятидэ жуда пайдо бўладиган жуда пайдо бўладиган ма-шинкани кўрсатади. Бола логопедни кузатар экан, унинг ҳаракатларини қайтаришига ҳоҳиш туғилади. Тусот дан чиқарилган тил ҳар доим бола-нинг диққатини тортади.
Масалан: мушук сўзи ўрнига бола сутни ялаётган ҳаракатни кўрсатиши мумкин. Ҳаракат элементларини эгал-лаётган бола аста-секин нутқ арти-куляциясини тақлид қилишни ўрганиб бо-ради. Товушларни артикуляциясини шакллантиришдан ҳар доим утиш шак-лида оддий артикуляция шакллан-тиришдан фойдаланиш мумкин.
Шундай қилиб 1-2 даврда логопед мотор алалик болаларни ўрган-ган нутқ реакцияларини тарбиялаши лозим.
2-даврда мотор алалик болалар билан ишлаш таълим асосида ўтади. Шунга қарамасдан бу даврда машғулотни ўйин шаклида ўтка-зиш лозим. Бу даврнинг асосий вазифаси нутқ товушларини эгаллаш истагини тарбиялаш ва алоҳида ун-долиш ва оддий сўзларни тақлид қилишни ўрганиб олгандан кейин ҳам

Ўз нутқини назорат қила олмаганлиги туфайли бу сўз ўрнига бошқа сўзни айтиб юборади. Шунинг учун бола ўз нутқини эшитишга ўргатиш лозим.
Бу даврда логопед боланинг нутқ импульсларини тормозлашга кам вақт ажратади. Агар жуда қолган товушларни артикуляциясини, оддий сўзлардан товуш бирикмаларини қосил қилиш устида узлуксиз иш олиб боради. Бола ўрганган сўзларни амалиётда қўллашгача билан ишлатади. Масалан, у ёқиш кўрган утириганини ўтпасига бериб туришни вақда қилиш. Бу даврда икки сўзли гаплар тузилади. Гапдаги иш харакатни ифодаловчи сўз феълни ҳозирги замон 1 шахс сон формасида келишиш керак. Бу гапларни синтаксис схемасини 2-даражали қўлланмалар ҳисобида мураккаблаштирилади.
Мантиқист логопед билан бола ўртасидаги суҳбат асосида қурилади. Боладан ҳозир қайси предмет билан алоқа қилаётгани ҳақида сўралади. Масалан: „сен нимани ушлаб турибсан?", „сен нимани олиб келдинг?", жавоб бераётганда сўзларни қўшимчаларга аҳамият бериш лозим (қўғирчоқни, айиқни). Бу ҳаракат турли предметлар учун ишлатилган фразаларнинг миқдори табиий

жараёнида катта аҳамиятга эгадир.
Аудит бола саволга бу сўз билан жавоб беради. „Бу нима" сўзига логопед савол беради „сен нима қилгансан" бола харакат номини ифодаловчи сўзларни бир-бирига берилган саволга жавоб қайтаради. Бундай берилган саволга жавобни қайтарилишни енгиллаштириш учун логопед ўзи савол масофасини айтиб беради. Шунингдек тасвир ёрдамидан фойдаланилади „тақсимлатиш" ва х.к.з.
Бу конструкцияга ўтишдан аввал эгалик кўшимчаларини ўргатиш, уларни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик учун дифференциаллаш ишларини олиб бориш зарур. Бу жараённи енгиллаштириш учун логопед берадиган саволларини ҳам дифференциялаш лозим. Бу вақтда боладан тез жавоб беришдан тўхтатиш керак, „ўйлаб кўр", „шошилмасдан жавоб бер".
Бола сўзнинг тўғри артикуляциясини излайди, агар у сўзнинг тўғри талаффуз қилиш вариантини топса у шодланиб кетади. Баъзан узоқ излаш ҳеч қандай натижа бермаса бола биринчи тўхтайди ва кейинги зидерув харакатидан бош тортади. Айтиб ўтилган бу хусусиятлар бир томондан икки даврда бола нутқини ривожлантириш

қийинчиликларни кўрсатса, бошқа томондан эса ўз нутқини назорат қилишни ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Бу даврда қийинчиликлар шунчалик қаттаки, баъзи болаларни тутилиб гапиришга олиб келади. Бунинг натижасида бола энди гапиришдан бош тортади. Логопед боланинг нутқини тез ривожланишига бериб кетмаслиги керак.

Бу даврда сўзнинг тўғри бўғин структураси ҳамда товушларни тўғри талаффузга эришиш билан бирга, ўрганган сўзларни ўз нутқида тўғри, аниқ ва ўз жойида қўллаш орқали янги сўзларни турли вариантларда ишлата олишга эришилади. Бола нутқини ривожлантириш орқали янги сўзларни турли вариантларда ишлата олишга ўргатилади. Унинг нутқига янги грамматик категориялар (феъл, равиш, олмош) кириб боради.

Бу янги сўзларни логопед бола учун ёки расмларини тақлид қилиш орқали киритиб боради. (мана, бу ерда, у жойда, келяпти) логопед аввал бола бу сўзларни ишлатади қайтадан ҳар доим ишлатади. Аста-секин у нутқда бу сўзларни қўллай бошлайди, натижада жуда кўп оддий жумлалар пайдо бўла бошлайди. Бу фразалар ҳар доим ҳар вазиятга, тўғри ке-

лавермайди. Бола турган фразаларда нотўғри шакилдаги ва таълимдий сўзлар қатнашмади. Бу сўзлар бир-бири билан нотўғри боғланганлар. Масалан: ойи ашгилиш ля-ля бор" ва х.к.з.

Бола 20 тадан 50 гача оддий сўзларни эгаллагандан сўнг логопед ишнинг 3-даврига ўтади.

3 давр сифат жиҳатидан фарқ қилади. Бунда бола ўз шахсий ҳаракатини эмас, балки бошқа шахс ҳаракатларини айтиб беради (кошток тушиб кетди) Машғулотларда асосан дидактик материаллардан фойдаланилади. (ўйинчоқ расмлар). Логопед бирор шахсни нима қилаётганини сўрайди. Жавоб вақтида бола охирги қўшимчаларини тўғри талаффуз этишига аҳамият бериши лозим. Иккинчи биринчи вақт қўшимчалар тушиган ўрамларни ўргатиш керак. Шахсий ҳаракатига оид саволлардан ташқари логопед ҳаракатни бажарувчи шахслар ҳақида ҳам саволлар беради. Ким келяпти? (ўтир). Олдин бола саволларга бир сўз билан жавоб беради. Бу давр давомида нутқнинг биринчи ва иккинчи шахслари ўтган замонда бош келишик ва келишикларнинг қўшимчаларини дифференциялаш ишларини олиб бориш керак.

Логопед ишнинг 4 даврида логопед диққатни бола нутқини кенгайтириш ва нутқнинг грамматик формаларини эгаллашга қаратиши лозим.
Бу вақтда болада гапиришга хоҳиш пайдо бўлади. Алалик бола билан олиб бормайдиган логопедия ишининг бошланғич даврида ўтиш характерга эга бўлиши керак, бола сўз ва фразаларнинг маъносини осон топа олмаганлиги туфайли бола нутқи ривожланишини тормозланади. Бу даврда логопед болани саводга ўргатишни давом эттиради. Бу эса болани структурали сўзлар тузиш кейинчалик фразаларни ўрганиш пайтда товушларнинг артикуляциясини ўрганишга мажбур қилади. Бўғинлаб ўқишни ўрганиш билан бола ўқиган ҳолда, ёзган нутқни назорат қилишга ёрдам беради. Бу эса боланинг нутқини бойитиб бориш имконини беради. Ўқиш ва ёзишга ўргатиш ҳамкорликда олиб борилади. Хат-саводни ўрганиш учун маълум даражадаги умумлаштириш қобилиятини талаб этади. Алалик болаларнинг аналитик-синтетик фаолияти бузилганлиги сабабли грамматик қурилмани ўзлаштиришда маълум миқдорда қийинчиликка учрайди.

И.Н. Трауготтнинг маълумотига кўра 7-8 ёшли ақлан боланинг нутқи 2-3 ёшли боланинг нутқ бойлигига тўғри келади. Уларнинг мағизини ифодаловчи моддаси унинг шаклига қараганда ривожланганлар 6 ёшли болаларга савод ўргатишни катта босма ҳарфлар билан бошламайди. Чунки бундай ҳарфларни бола кесма ҳарфлар кассасидан ва алифбедан осон топа оладилар. Биринчи „А" ҳарфи берилади. Логопед кесма ҳарфлар кассасидан бу ҳарфни олиб болаларга кўрсатиш лозим. Шу билан бирга ойна олдида „А" товушини артикуляцияси қайтарилади.

Товушни талаффуз этиб дафтарга „А" босма ҳарфнинг қандай ёзилиш кераклигини кўрсатилади. Бола қайси ҳарфни ёзганлиги тездан чизмаслиги учун бир неча марта қайтарилади.

Баъзи мотор алалик болалар товушлардя, ҳарфларда қийналмайдилар лекин бўғинларни қўшиб ўқишда қийинчиликка учрайдилар, шунинг учун бўғинларни тузиб ўқиш тавсия этилади.

Логопед бирлик сонга тузилган оддий гапларни эгаллашга ўргатилади. Сон категориясидан кейин келишик қўшимчалари устида иш олиб борилади. Буларнинг ҳаммаси бола томонидан

грамматик формаларни ўзлаштиришга шикаст беради.
Вазифаларни ифодалашда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, бола сўз формаларини мустақил билиб олишга қанчалик механик равишда ўзлаштиришни олдини олади.
Сенсор алалик бола ётан даврларда аниқ бўлинмайдиган машғулотларнинг методик шакллари ва тушунилмайдиган сўзлар мотор алалия белгилари бўлган шу даврда ўтказилган машғулотларда тушунилмайдиган мотор ва сўзларга тезда ухлаб кетади.
Алалияни бартараф этишда комплекс ёндашиш эгни, нутқ функцияларини барчасини ривожлантириш ва фаолиятни яхшилаш лозим. Логопедик иш дори-дармон ва физиотерапевтик даволаш билан биргаликда олиб борилгандагина самарали бўлади.

# Хулоса.

Муаммо бўйича адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўтказилган текширув ишларининг асосида қандай сенсор алалия болалар луғат бойлиги ривожланиш жараёнини текшириш давомида олган натижалардан қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

– муаммо бўйича адабиётларни таҳлил қилиш сенсор алалия болаларни луғат бойлигининг ўзига хос томонлари Ўзбекистон Республикасида етарли даражада ўрганилмаганлиги аниқланди;

– алалия болаларнинг кўпчилигида луғат бойлиги қандай импрессив нутқи ривожланмаганлиги кузатилди;

– алалия болаларнинг луғат бойлигини ривожлантириш махсус коррекцион логопедик ишни талаб этади;

– мактабгача тарбия ёшидаги алалия болаларда импрессив нутқ қандай луғат бойлигини текшириш натижаларида болаларда бу малакаларнинг деярли шаклланмаганлиги аниқланди;

– болаларда нутқ бўйича шакл-
лантиришга қаратилган ишларни
комплекс равишда ташкил этиш
логопедик ишнинг самарадор-
лиги ошади;

– агар болалар билан эрта кор-
рекцион-логопедик иш ташкил этил-
маса, уларда ёзма нутқ камчи-
ликлари ҳамда психик фаолият
ривожланишининг орқада қолиши
кузатилиши мумкин. Шунинг учун
ҳам махсус муассасаларда нутқ
бўйича ривожлантириш катта
аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси / Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. - Т.: Ўзбекистон. 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг „Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" Қонуни / Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори - Т.: Шарқ нашриёти-матбаа концерни, 1997й.
3. Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида"ги Қонуни / Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори- Т.: Шарқ нашриёт - матбаа концерни, 1997й.
4. И.А. Каримов „Баркамол авлод орзуси" Шарқ нашриёти Т. -1999й (98 бет).
5. Аюпова М.Ю. „Коррекцион ишлар методикаси" маъруза матни Т.: 2001й.
6. Аюпова М.Ю. „Логопедия" - Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2007й.
7. Васильева С.А, Соколова Н.В. Логопедические игры для дошкольников - М.: Школа-Пресс 1999г.
8. Волкова Г.А. Логопедическая ритмика - М.: 2003г.
9. Мўминова Л.Р. Нутқи тўлиқ ривожлан-

мактаб ёшига болаларнинг коррекцион таълим тарбияси. Тошкент – 1992й.

10. Основы логопедии с практикумом по звукопроизношению / под. ред. Т.В. Волосовец – Москва: Издательский центр „Академия“, 2000.

11. Филичева Т.Е, Черкина Г.В. Подготовка к школе детей с общим недоразвитием речи в условиях специального детского сада Филичева Т.Е, Г.В Чиркина – Москва, 1994 г.

12. Е.И. Краузе – Логопедический массаж и артикуляционная гимнастика – практическая пособия. Санк Петербург – корона-принт – 2004 г.

13. Интернет манбалари (pedagog.uz. Зиё нет, mail, ва х.).